

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ФАЛСАФА” КАФЕДРАСИ

5111600 - “МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ
ТАЪЛИМИ” ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ 65 - 14 ГУРУХ ТАЛАБАСИ

ХАНОВ АВАЗнинг

“ИММАНУИЛ КАНТНИНГ
ФАЛСАФИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ТАЪЛИМОТИ”

МАВЗУСИДАГИ БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Иш кўрилди ва ҳимоя
қилишга руҳсат берилди.
Гул ДУ “Миллий ғоя ва
фалсафа” кафедраси
мудири _____Исмоилов С.Т.
2018 йил “ ” июнь.

Илмий раҳбар: ГулДУ
“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси катта ўқитувчиси
Ғофуров Б.А.
2018 йил “ _____” июнь.

**Мавзу: ИММАНУИЛ КАНТНИНГ ФАЛСАФИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ТАЪЛИМОТИ**

Р Е Ж А :

КИРИШ

**I БОБ. ИММАНУИЛ КАНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА ДАВЛАТ
ТЎҒРИСИДАГИ ТАЪЛИМОТИ**

1.01. И.Кантнинг ҳаёти ва ижоди

1.02. И.Кантнинг ҳуқуқ фалсафаси

1.03. И.Кант ижодида давлат ва юридик аксиология масалалари

**II БОБ. И.КАНТНИНГ ТИНЧЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ФАЛСАФИЙ-
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТИ**

2.01. И.Кантнинг халқаро ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлари

2.02. И.Кантнинг абадий тинчлик тўғрисидаги фалсафий-ҳуқуқий ғоялари

ХУЛОСА

ИЛОВАЛАР

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

КИРИШ

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги ва унинг асосланиши. Германиянинг Кёнигсберг шаҳрида туғилган ва яшаб ижод этган немис файласуфи Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий таълимоти нафақат ўз даври учун балки кейинги даврлар фалсафий ва ҳуқуқий таълимотлари ривожини учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Шунингдек, улуғ мутафаккирнинг илмий меросига бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам қизиқиш катта.

Биринчи Президентимиз И.Каримов файласуф олимларимиз олдида ўзбек миллий фалсафасини яратиш масаласини кўйиб, “дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ҳанузгача ўзбек тилида чоп этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сукрот ва Афлотун, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг, ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки, мумкин эмас...» - деган эди¹. Дарҳақиқат, И.Кант ҳам дунё тан олган мана шундай улуғ файласуфлардан биридир. Унинг онтология, гносеология, аксиология каби фалсафанинг марказий муаммоларига бағишланган асарлари кейинги даврлар фалсафий тафаккури тараққиётига улкан таъсир кўсатди. Ҳозирги даврда фаолият юритаётган БМТ, ЮНЕСКО каби халқаро ташкилотларнинг шаклланишида ҳам И.Кант ғояларининг ўрни ва аҳамияти жуда каттадир. Шунингдек, унинг ижтимоий-сиёсий ҳамда фалсафий-ҳуқуқий қарашлари ҳозирги замонда тараққий этган, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва қадри юксак даражага кўтарилган ҳамда демократик ривожланиш йўлидан дадил одимлаб бораётган замонавий давлатларнинг асосида ётибди десак қайсидир маънода муболаға бўлмас. Чунки XX асрга келиб И.Кант фалсафий мероси замирида ўн иккита мактабнинг шаклланганлиги, жаҳон

¹ Каримов И. “Миллий истиқлол мафқураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир”. - Т.: “Ўзбекистон”, 2000. 27 - 28 бетлар.

файласуфларининг ҳар беш йилда И.Кант ҳаёти ва ижодига бағишланадиган халқаро анжуманининг ўтказилиб туриши ушбу мутафаккирнинг инсоният фалсафий тафаккури тараққиётига нақадар улкан хисса қўшганлигидан ва у қолдирган илмий мероснинг ўта даражада аҳамиятлилигидан далолат беради. Қолаверса, жаҳон фалсафасини ўрганмай туриб, ўзбек миллий фалсафасини яратиш мумкин эмаслигини ҳам эътибордан қочирмаслигимиз зарур. Мавзумизнинг эътиборли жиҳатларидан яна бири Кант илгари сурган прогрессив ғоялар мустақил тараққиёт йўлидан бораётган Ўзбекистон миллий истиқлол мафкурасига монандлигида ҳам намоён бўлади. Шу жиҳатлардан олиб қаралганда бизнинг ушбу БМИмиз ўзининг долзарблиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Мавзунинг ўрганилиш, тадқиқ этилиш даражаси. И.Кант таълимотига қизиқиш у тириклик чоғида ҳам унинг вафотидан кейин ҳам катта бўлган. Айниқса унинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашларига бағишланган асарлари ижтимоий таълимотлар тарихида жуда муҳим манбаалардан бири вазифасини ўтаб келмоқда. Улуғ мутафаккирнинг биз мавзу қилиб танлаганимиз фалсафий-ҳуқуқий таълимотининг ўрганилиши масаласига келсак у ҳолда асосан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: Новгородцев П.И. Учение Канта о праве и государстве. - М. 1901. Галанза П.И. Учение Канта о государстве и праве. - М. 1960. Поликарпова Е.В. Учение И.Канта о праве и государстве. - М. 1973. Фельдман Д.И. и Баскин Ю.Я. Учение Канта и Гегеля о международном праве и современность. Казань. 1977. Баскин Ю.Я. Кант. - М. 1984. Соловьев Э.Ю. И.Кант: взаимодополнительность морали и права. - М. 1992. Иммануил Кант и проблемы права в современную эпоху. - М. 1998. Гайзман Г. Свобода и право: политическая философия Канта и современность. Нижневаторск. 2003. Ударцев С.Ф. Политические и правовые идеи Иммануила Канта. Кант Иммануил. Идея всеобщей истории во всемирно-гражданском плане. К вечному миру. Изд. 2-е, доп. и испр. Алматы, 2004.

Булардан ташқари, юридик олийгоҳлари учун мўлжалланган “Сиёсий ва

хуқуқий таълимотлар тарихи” бўйича барча дарсликларда И.Кантнинг ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги таълимотига бағишлаб, алоҳида мавзу берилган. Шунингдек, турли хил илмий ва мавзуга оид тўпламларда И.Кантнинг фалсафий-хуқуқий қарашлари тўғрисида мақолалар чоп этилган.

Ватанимиз файласуфлари томонидан ҳам кантшунослик борасида анчагина ишлар амалга оширилган бўлиб, уларга Аюбов А. Кант Иммануил. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 4-жилд. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашрети. 2002. Фалсафа. Ўқув қўлланма. Э.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. - Т.: “Шарқ”, 1999. Кант (Cant) Иммануил. Фалсафа: Қомусий луғат. Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. - Т.: “Шарқ”, 2004. 189-191-бетлар; Кант Иммануил Фалсафа: энциклопедик луғат. - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2010. 155-156-бетлар; Умаров Б. Ғарб ижтимоий тафаккурида эркинлик ғояси такомилли. - Т.: Akademia, 2011. Умаров Б. Концепция либерализма (История и современность). - Т.: Akademiya, 2011. Иммануил Кант. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. - Т. 2004. Иммануил Кант. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси (XVII-XX асрлар) ўқув қўлланма. -Т. “Шарқ”. 2002. Кант Иммануил. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф: тақдирлар, ҳикматлар, афоризмлар. Тўпловчи ва таржимон Саида Жўраева. - Т.: “Янги аср авлоди”. 2010.

Саидов А.Х. Философско-правовое наследие Иммануила Канта и современная юриспруденция. -Т.: Patent-Press. 2008. Исломов З.М. Юриспруденция ўтмиши ва бугуни. - Т.: ТДЮИ. 2010. В.С. Нерсесянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. - Т.: “Адолат”. 2002. Воҳидов Ҳ.В. Иммануил Кантнинг хуқуқий қарашлари. Сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. - Т.: ТДЮИ. 2003. Болтаев М.Н. Кант ва трансцендентал фалсафанинг асосланиши. Бухоро. “Бухоро” нашриёти. 2006.

Мухитдинов Ф. Бозор ва ҳуқуқ. Адам Смит ва Иммануил Кант: назарий ғоя ва қарашлар муштараклиги. - Т.: И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёт бўлими. 2005.

Кўриниб турибдики, Кант илмий меросига доир нашрларнинг кўплиги ва тематик жиҳатидан хилма-хиллиги мутафаккир ижодининг ниҳоятда серқирра ва барча даврлар учун ҳам катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

БМИнинг асосий мақсади - И.Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий таълимотини юқорида кўрсатиб ўтилган манбаалар, энг муҳим ва сўнгги тадқиқотлар материаллари, хулосалари асосида бир бутун ҳуқуқий ва ижтимоий-фалсафий дунёқараш тизими сифатида БМИ доирасида назарий-методологик умумлаштириб, хулосалаб беришдан иборатдир.

БМИнинг асосий вазифалари:

- Кантнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот бериш;
- Кантнинг ҳуқуқ фалсафаси ва унинг ижодида юридик аксиология масалаларини БМИ доирасида ёритиб бериш;
- Кантнинг тинчлик тўғрисидаги фалсафий-ҳуқуқий таълимоти ва унинг аксиологик жиҳатлари ҳақида фикр юритиш;
- Кантнинг халқаро ҳуқуқ тўғрисидаги қарашларини шарҳлаш ва унинг давлат фалсафасининг мазмун-моҳиятини очиқ бериш кабилар ушбу битирув малакавий ишимизнинг асосий вазифалари бўлиб ҳисобланади.

БМИнинг назарий-методологик асослари ва усуллари. Бу борада биринчи Президентимиз И.Каримов томонидан ўртага қўйилган назарий-методологик концептуал хулоса ва ечимлар, кўсатма ва тавсиялар ушбу ишимиз учун назарий-методологик асос ва усул вазифасини ўтайди.

Шунингдек, ушбу БМИда қўлланилган конкрет фалсафий-тарихий тадқиқот услублари: тарихийлик, холислик, тизимли функционал ва муаммовий, қиёсий тахлилий, маданий-цивилизациявий ёндошиш каби услублардан иборат.

БМИнинг илмий янгилиги. Ҳуқуқий таълимотлар тарихида Кантнинг ҳуқуқ фалсафаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида замонавий сиёсатшунослик ва ҳуқуқшунослик фанлари нуктаи-назаридан қиёсий фикр юритилганлиги, шунингдек, Кантнинг тинчлик тўғрисидаги фалсафий-ҳуқуқий таълимотига аксиологик жиҳатдан ёндашилганлиги ишимизнинг

маълум маънодаги янгилиги дейишимиз мумкин. Бундан ташқари Кантнинг халқаро ҳуқуқ тўғрисидаги қарашларини шарҳлаш ва унинг давлат фалсафасини БМИ доирасида тадқиқ этиш вазифасининг қўйилганлиги, унинг қонунчилик, ижтимоий адолат ва ижтимоий сиёсатга оид қарашларининг тадқиқ этилганлиги ва маълум бир жиҳатлардан хулосалаб берилганлигидир.

БМИнинг назарий ва амалий аҳамияти асосан қуйидагилардан иборат:

- Иммануэл Кантнинг ижтимоий-фалсафий, ҳуқуқий қарашлари, дунёқараши ва меросини янада тўлароқ, чуқурроқ ўрганиш имконини беради;

- Иммануэл Кант меросини ҳозирги кантшуносликнинг энг янги тадқиқот хулоса, принциплари асосида талқин этишга, унинг илмий-фалсафий мероси ҳақида тарихий ҳолис хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

- Иммануэл Кант илгари сурган ғоялар бугунги кун учун катта сиёсий-мафкуравий аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги дунё ривожига бу ғояларнинг тутган ўрни ва аҳамиятини янада теранроқ тушуниш ҳамда уларни амалиётга қўллаш имконини беради.

- Шунингдек, БМИмизда келтирилган материаллардан ОТМ ва бошқа ўқув даргоҳларида фалсафа фани асосларини ўрганишда қўшимча материал сифатида фойдаланиш мумкин.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. Ушбу ишимиз кириш, олти фаслни ўз ичига олган икки боб, хулоса, фойдаланилган манбаалар, адабиётлар рўйхати, ҳамда иловалардан иборат. БМИнинг умумий ҳажми 65 бетни ташкил этади.

I БОБ. ИММАНУИЛ КАНТНИНГ ХУҚУҚ ВА ДАВЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ТАЪЛИМОТИ

1.01. И.Кантнинг ҳаёти ва ижоди

Файласуф олим, немис классик фалсафасининг асосчиси Иммануил Кант 1724 йил 22 апрелда Кёнигсберг (ҳозирги Калининград) шаҳрида авлиё Иммануил (“Таврот”га оид ушбу сўз таржимада “Тангри биз билан” деган маънони англатади) кунда таваллуд топган. Камбағал хунарманд (эгар-жабдуқ устаси) оиласида жами тўққиз фарзанд бўлиб, Иммануил тўртинчи бола бўлган. Оилада уч қиз ва бир ўғилгина улғайиб, вояга етган. И.Кант болалигида касалманд, нимжон, жуссаси кичкина, асабий хуруж ва ипохондрия (тушкунлик) га мойил бўлган. Уни жинсий заиф ва қисқа умр кўради, деб башорат қилишган. Бироқ шунга қарамасдан, ота-онаси унинг пухта классик таълим олиши учун ғамхўрлик қилган. У жонажон шаҳри Кёнигсбергда узоқ, шу билан бирга, ижодга тўла умр кечирган, ҳеч қачон касал бўлмаган ҳам. Чунки у гигиеник қоидаларнинг қатъий тизимини ишлаб чиққан, уларга оғишмай амал қилган ва ҳайратланарли натижаларга эришган. И.Кант ўзини ўзи яратган, шунинг учун ҳам у бетакрордир.

И.Кант Кёнигсберг университетининг Илоҳиёт факультетини 1745 йилда тамомлаган. Шундан кейинги тўққиз йил давомида аслзода, боёнларнинг оилаларида шахсий муаллим бўлиб ишлаган, бу унга бўш вақтларида фалсафий тадқиқотлар олиб бориши учун моддий имконият яратган. 1755 йилда у шу университетнинг приват-доценти унвонини олган. Кейинги 15 йил ичида эса, профессорлик унвонини кутиб, Кёнигсбергдаги сарой кутубхонасида кутубхоначи ёрдамчиси лавозимида хизмат қилган. 1755 йилдан 1797 йилга қадар метафизика, мантиқ, ахлоқ фалсафаси, физика, математика фанларидан сабоқ берган.

1757 январидан 1762 йил июлига қадар И.Кант Россия фуқароси ва Петербург Фанлар академияси (1794) нинг чет эллик фахрий аъзоси, шунингдек, Берлин ва Сиена (Италия) академиялари аъзоси ҳам бўлган. 1770

йилда тўртта диссертация химоясидан сўнг, И.Кант фалсафа профессори унвонига сазовор бўлган ва бу лавозимда ишлаб, уни вафотидан уч йил олдин тарк этган.

И.Кант 1804 йилнинг 12 феввалида, саксон ёшга тўлишига 70 кун колганда вафот этган. Унинг сўнгги айтган сўзи “яхши” бўлиб, бу калом ён-атрофидагиларга миннатдорчилик туйғуси билан йўғрилган эди. У фоний дунё билан хотиржам, соф виждон ва адо этилган бурч хисси-ла хайрлашган.

И.Кантнинг илмий меросини тадқиқ қилган Россиялик олимлардан бири А.Гулыга шундай ёзади: “Файласуф ҳаёти - унинг ёзган китоблари, ҳаётидаги энг қувончли воқеалар эса - фикрлар. Кантда ўз руҳи ва таълимоти тарихидан бошқа таржимаи ҳол йўқ. Кантни ўқиш осон эмас. Қийинлиги шундаки, баён ҳар доим муаммолар мураккаблиги билан боғлиқ бўлиб, шу муаммоларга кўпинча биринчи бўлиб унинг ўзи дуч келган. И.Кантни тушуниш бундан-да оғир. Унинг ҳақида ёзиш эса, нафақат қийин, балки масъулият ҳамдир”¹.

Георг Гегелга совуқ муносабатда бўлган Л.Толстой И.Кантни берилиб мутолаа қилган. Нуқтаи назар, эътиқодларимиз бир-бирига мос келади, деб ишонган. У Кантнинг ҳикматли сўзларини тўплаб, нашр қилдирган. И.Кантнинг ҳаёти ўзида доимо чуқур таассурот қолдирганини гапириб юрган. Бир куни Толстойдан сўрашган: “Кант фалсафаси оддий одам учун тушунарлими? Ва уни жўн, оммабоп қилиб баён этиш мумкинми?” Бунга жавобан у: “Уни оммабоп қилиб баён этиш энг улуг иш бўлур эди. Қизиқ, Мағрибда бунга бирор ҳаракат бўлаётганмикин. Ҳар ҳолда, бу энг матлуб иш бўлган бўларди”², деган экан. Толстой учун Кант, авваламбор, инсонийлик мактаби бўлган.

Замондошлари ва унинг фалсафий таълимоти давомчилари немис классик фалсафасининг асосчиси И.Кантни синчков, майдакаш “ҳарфхўр” одам бўлган дейишади. У узоқ ва сермазмун ҳаёт кечириб, бутун умр бўйдоқ ўтган, яхши шароб ва чиройли аёлларни ёқтирган. Инсониятга маънавий

¹ Гулыга А. Кант И. - М. 1983. Стр. 47.

² Ключова М. Иммануил Кант: проблема обоснования морали. - Тула. 2011. Стр. 95.

камолот ва ахлоқ қонунчилиги тамойилларини ўргатган. Прусс саройида уни ҳурмат қилишган, бироқ ёқтиришмаган, унга илтифот ҳам кўрсатишмаган. Ўлимидан сўнгги икки ҳафта мобайнида шаҳарнинг ҳасратманд аҳолиси ўз даҳо ватандоши билан хайрлашган, лекин орадан ярим йил ҳам ўтмай, унинг уйи қандайдир савдогарга қахвахона учун сотиб юборилган.

Фалсафий фикр тараққиёти тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, кўпчилик файласуфлар, шу жумладан Ғарбий Европанинг йирик файласуфлари ўзга юртларга саёҳатлар қилишган, уларни ўрганишган, тажриба орттиришган. Улардан фарқли ўлароқ Иммануил Кант ҳеч қачон ўз Ватани сарҳадларидан ташқарига чиқмаган, лекин ижтимоий-фалсафий таълимотлар тарихида инсон қалбини жунбушга келтирувчи буюк китоблар ёзган. Шунинг учун ҳам Иммануил Кантни кўрқмасдан Кёнигсбергнинг энг сирли, ғалати ва энг рамзий шахси, деб аташ мумкин. У ўзининг мўъжазгина Ватани сарҳадларини ҳеч қачон тарк этмаган ва шунинг учун бўлса керак, ҳаётлигидаёқ “пруссиялик зоҳид” деган ном олган.

Бироқ Кант асло “зоҳид” эмас, у таркидунёчи ҳам бўлмаган. Табиатан киришимли, улфат ва дилкаш, тарбия ва турмуш тарзига кўра-одобли, хушмуомалали бўлган. Унда фалсафага бўлган зўр қизиқиш шунчаки эрта уйғонган ва бу кучли иштиёқ ҳамма нарсадан устун келган. У ўз қувончини фақат ишда, меҳнатда топган. И.Кант ҳаёти-сўз билан иш, ғоя ва хулқ бирлигининг намунаси бўлган.

Унинг бутун ҳаёти фақат Кёнигсберг билан боғлиқ бўлиб, юртдошлар кўз ўнгида ўтган бўлса-да, файласуф таржимаи ҳолининг илк варианты унинг тириклигидаёқ ёзилган. И.Кант номи ҳозирда ҳам ақл бовар қилмас афсоналар билан бурканганининг шоҳиди бўлиш мумкин. Буюк файласуф асли Кёнигсберглик эканлиги билан ҳаммиша фахрланиб юрган ва ҳатто, ўлимидан сўнг ўзининг фалсафий асарлари Ғарб билан Шарқ ўртасида ҳазилакам даъво-ю баҳсларга сабаб бўлишига ҳам шак - шубҳа қилмаган.

Европада И.Кант асарлари асосида И.Ньютоннинг табиий - илмий кашфиётлари ётади, деб ишонишган. Осиёда эса ҳозиргача олим асарлари

учун Имом Ғаззолий (1058-1111) ва Ибн Арабийнинг (Г165-1240) ўй, фикр ва мулоҳазалари асос бўлиб хизмат қилган, деган фикрлар мавжуд¹. Ҳаттоки, И. Кант қариган пайтида ўз таржимаи холи вариантларидан бирига араб имлосида “Бисмиллохир раҳмонир раҳим!”² деб ёзиб қўйган, деган гаплар ҳам юради. Эхтимол булар шунчаки гаплар бўлиши мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам Кант дунёқарашининг шаклланишида Шарқнинг буюк сиймолари Имом Ғаззолий ва Ибн Арабийнинг таъсири борлиги айтилиши хақиқатдир.

Агар Кантда билимга чанқоқлик бўлмаганида, ҳаёт камбағал хунарманд ўғлига катта имкониятлар ато этиши амримаҳол эди. Ота-онадан эрта айрилган Кант ёшлигида фақирона ҳаёт кечиришга мажбур бўлган. Қашшоқлик улуғ файласуфни деярли то ўлимига қадар таъқиб этган: у кексайган чоғидагина кичикроқ уй сотиб олишга муваффақ бўлган.

Кёнигсберг университетининг илоҳиётшунослик факультетига ўқишга кирган навқирон Кант афсуски, уни яна ўша молиявий-моддий етишмовчилик сабаб тугаллай олмаган. Тирикчилик ўтказиш учун оилавий муаллимликдан тортиб, то бильярд ва қарта ўйнашига ҳам тўғри келган. Ёшлик йилларида баъзан (шунақаси ҳам бўлган) шаҳарга тушиб чиқиш учун дўстларидан пойафзални қарзга олиб кийиб кетган ҳолатлари ҳам бўлган.

И.Кант буюк майдақаш бўлган, деган гап бор. Лекин у ёшлигида унчалик ҳам сўзининг устидан чиқадиган одам бўлмаган ва “пухта аниқлик” тушунчаси хусусида хийла эркин фикр юритган. Барча нарсаларга нисбатан ғоят даражада аниқликка эса, уни дўсти - Англиялик савдогар Грин ўргатган. Британиялик унинг зиғирча камчилигини ҳам кечирмаган. Бундай ҳолатларга қарши турли хил “жазо” чораларини қўллаган.

Ёши ўтиб боргани сайин, аниқлик ва пухталиқ И.Кант хулқ-атворининг алоҳида хусусиятига айланган. Унинг бутун ҳаёти энг аниқ хронометрга ўхшаб, ўлчанган ва ҳисоблаб чиқилган. У кечкурун соат роса 10.00 да уйқуга

¹ Керимов Г.М. Аль - Газали и суфизм. Баку, 1969. С. 71-100.

² Наполеон, Толстой и Кант об исламе. 27 февраля 2010 г. II <http://www.liveinternet.ru/> tags.

ётган, роппа-роса тонгги 5.00 да ўрнидан турган. Кейинги 30 йил давомида бирон марта ҳам кеч турган пайти бўлмаган. Роппа-роса 19.00 да кечки сайрга чиққан. Шаҳарликлар кекса Кантни кўриб, соатларини текшириб, тўғрилаб олишган. У пала-партиш кийинган талабаларни ёқтирмаган. Пухталиқ, аниқлик, майдакашлиқ ва барқарор анъаналарга содиқлик И.Кантнинг турмуш тарзига шу қадар чуқур сингиб кетган эдики, бу охири оқибат тутуриқсизликка ҳам бориб етган¹.

И.Кант винони жуда яхши кўрган, пивога эса тоби бўлмаган. Солод (ундириб олиб, янчилган арпа, бугдой ва хоказо) ҳамда хмель (етимак - чирмашиб ўсадиган ўсимлик ва унинг уруги) дан олинадиган ичимликка у шундай баҳо берган: “Пиво - бемаза таъмли таомдир”.

Аёллардаги гўзалликка Кант ҳамини зўр ҳурмат билан муносабатда бўлган. Мункиллаган қарияни кўплаб қабул маросимларига ва тантанали зиёфатларга таклиф қилишган, шундай пайтларда у ёш, чиройли қизлардан бирини ўзининг ўнг томонига ўтқазиб қўйишларини сўраган. Ўша пайтларда файласуфнинг чап кўзи кўрмай қолганини бутун Кёнигсберг яхши билган.

Аёллар, хотин-қизларга ҳамини таъзимда бўлишига қарамасдан, И.Кант бир умр уйланмай бўйдоқ ўтган. Нима учун оила қуришга аҳд қилолмаганига сабаб эса, ўта бемаъни - яъни камбағал бўлган эмиш. У ўзининг бўйдоқлиги важини киноя билан шундай таърифлаган: хотин керак бўлган пайтда уни боқишга қурбим етмаган, аҳволим яхшиланиб, бунга имкон етганда эса, хотинга хожат қолмаган. Ва бунга яна изоҳ ҳам бериб қўйган: бироқ бўйдоқликни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди, хотиннинг бори яхши.

И.Кант ҳеч қачон диссидент (муртад, диндан қайтган киши) бўлмаган. Аксинча, у диндор одам бўлган. Илк асарларини (кексайган чоғида улардан воз кечмоқчи ҳам бўлган) файласуф Кёнигсберг губернатори ва император Фридрих II га бағишлаган. Шунга қарамасдан, И.Кантнинг илмий мартабаси катта қийинчиликлар билан олға силжиган. Чунки у ақлли, ўзининг мустақил фикрига, ўз ҳаётий мақсад ва тамойилларига эга бўлган ҳақиқий маънодаги

¹ Гульга А. Кант И. - М. 1983. Стр. 49.

файласуф инсон эди. Ақлли кишилар эса ҳамиша ҳокимиятни ташвишга солиб келганлиги оддий тарихий аксиомадир.

Тириклигида ўзининг кичик Ватани чегарасидан бирон марта ҳам ташқарига чиқмай туриб, бир йўла икки империя фуқароси бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. И.Кант бунинг уддасидан чиққан. XVIII аср ўргаларида, етти йиллик уруш пайтида Шарқий Пруссия бир неча йил давомида Россия империяси таркибига кирган, шу сабабли олим ҳам, қолган бошқа кёнигсбергликлар қаторида рус маликаси Елизавета Петровна фуқаросига айланган.

1757 йил мартида Кант университетдаги мантиқ ва метафизика кафедраси мудирлигининг бўшаб қолган ўрнини ўзига беришини сўраб, император аёлга илтимоснома ёзган¹. Бироқ арзнома подшоҳ хотинга етиб бормаган. Аризани кўриб чиққан Шарқий Пруссия губернатори Николай Корф файласуфга одатдаги расмиятчилик билан рад жавобини берган: бўш ўринга даъвогарлик қилган доктор Букнинг ўқитувчилик фаолиятидаги иш тажрибаси уникага қараганда кўпроқ бўлиб чиққан.

Ўтган ана шу йиллар Россия билан Кант бир-бирларини яхшироқ билиб олишлари учун имконият яратган. Мамлакатдаги сиёсий вазият ўзгара бошлагач, файласуф рус интеллигенциясининг илғор вакиллари билан алоқани давом эттирган. Карамзин, Державин, Милорадович ва бошқалар Кёнигсбергга тез-тез келиб турганлар. Бўлғуси генералиссимус А.Суворов олимнинг шахсий тавсияномасига кўра, бир ёш йигитни хизматга олган, лекин афсуски, у туппа-тузук ярамас бўлиб чиққан.

Шахсий ҳаётида И.Кант фалсафий масалалар хусусида суҳбатлашишни ҳуш кўрмаган. У ўзининг тинглашга эмас, балки фақат ўқитишга қобилиятли эканини яхши англаган. Умрининг сўнгги йилларида у ўз ҳузурига ташриф буюрувчилар билан фалсафий мавзуларда эмас, балки тахтаканаларни йўқотишининг энг сўнгги ва энг самарали усуллари тўғрисида суҳбатлашган.

¹ Кант И. Всеподданнейшее прошение философа Канта императрице Елизавете Петровне / Сообщ. Ю.Бартенев // Русский архив. 1896. Кн. 2. Вып. 7. Стр. 455-456.

И.Кант ўз ҳаётини кузатувларини очиқ, лўнда ва қаҳр билан шундай ифодалаган: “Инсон табиатан ёвуздир”.

И.Кант тўқчиликда вафот этган. Уч синглиси ва укасига ундан 20 минг гульден миқдорида бойлик қолган. Файласуф ўлимига бутун шаҳар чинакамига мотам тутган. Фуқароларнинг видолашиш маросими белгиланган уч кун ўрнига салкам икки ҳафтага чўзилган. 28 февралда устознинг тобутини Альбертинанинг 28 нафар энг яхши талабалари кўтариб борганлар. Шаҳар чуқур мотамда: Кёнигсберг ўзининг энг буюк фарзандидан жудо бўлган эди.

И.Кантнинг ўзигагина хос бўлган истеъдоди туфайли бир маромда кечган салмоқли ва синчков ҳаёти сирлилик шон - шуҳратиға бурканган ва бу деярли барча нарсада ўз ифодасини топган. Иммануил Кантга шахсий даҳма ҳам буюришмаган ва у маҳаллий университет профессорларининг умумий хилхонасиға дафн этилган. Тақдирнинг аччиқ ҳазилини қарангки, ўлдинг - ўчдинг деганларидек, кёнигсберглик файласуф кўмилгандан кейин, унинг сўнги манзилгоҳи батамом унутиб юборилган.

И.Кант ўз миллати, жонажон шаҳри билан ғоят фахрланган. Ким билсин, агар ўз шажарасининг асосий занжири Германияда эмас, Пруссияда эмас, балки СССРда узилишини билганида, бундан ниҳоятда таажжубға тушган бўлармиди. XX асрнинг 30 - йиллари ўрталарида Иммануил Кант укасининг “Уралмаш” раҳбарларидан бири бўлиб ишлаган бирдан-бир, ягона насли ҳам қатағон қилинган¹.

И.Кант ўз мазмун-моҳиятиға кўра, бутун дунёнинг буюк фуқароси бўлган. Ёши бир жойға борган пайтда у сиз билан бизнинг ҳаётимиз маъно-мазмунини ҳақидаги ўз тасаввур-тушунчасини келажак авлодлар учун қуйидагича ёзиб қолдиргани ҳам бежиз эмас: *“Биз улар ҳақида тез-тез ва муттасил фикр-мулоҳаза юритганимиз сайин, икки нарса қалбимизни ҳамини янги ва янада кучлироқ ҳайрат ҳамда ортиқ даражада иззат-*

¹ Таранов П.С. Философский биографический словарь, иллюстрированный мыслями. - М. 2004. Стр. 282-283.

эхтиром туйғуси билан тўлдириб бораверади, бу - тепамиздаги юлдузли осмон вавужудимиздаги ахлоқ қонунидир”. И.Кант бутун онгли умри мобайнида ҳақиқат излаган. Ҳақиқат, бу - жараёндир. И.Кант бундай сўзларни айтмас, фақат уларга амал қиларди, холос. Унда ҳеч қачон «ҳамма иш қилинди, ҳамма нарсага мутлақ эришилди» деган сезги, ҳис-туйғу бўлмаган.

И.Кантнинг илмий қизиқишлар доираси ва кўлами фавқулодда кенг: фалсафа ва мантик, тарих ва антропология, этика ва эстетика, ҳуқуқ ва давлат, астрономия ва математика, табиий география ва минералогия (маъданшунослик) ва х.к.

Одатда, файласуф-мутахассислар И.Кант илмий меросини икки даврга бўладилар: “танқидгача бўлган давр” (1770 йилгача бўлган) ва “танқидий давр” (1770 йилдан кейин).

У 1747-1755 йилларда бошланғич (ибтидоий) туманликдан қуёш тизимининг келиб чиқишига оид космогоник гипотеза, яъни оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги илмий фаразни ишлаб чиққан (“Умумий табиат тарихи ва осмон назарияси”, 1755). Унда Кант улкан коинотнинг, бизнинг галактикамиздан ташқаридаги галактикаларнинг ҳам мавжуд эканлигини ҳамда сайёраларнинг айланаётган туманликдан келиб чиқиши тўғрисидаги гипотезани баён қилиб берган. 1770 йилдан сўнг, Кантнинг уч асосий асаридан келиб чиқиб “танқидий давр” деб аталган босқич бошланади: “*Соф идрок танқиди*” (1781), “*Амалий идрок танқиди*” (1788) ва “*Ҳукм лаёқати танқиди*” (1790). Бу асарларда у билиш назариясини, этика, эстетика ва табиатдаги мақсадга мувофиқлик ҳақидаги таълимотни ҳам атрофлича изоҳлаб берган. У ақл кўзи билан қараладиган билиш мумкин бўлмаган “нарса ўзида” (сезги, ҳис-туйғуларнинг объектив манбаи) ва чексиз бўлиши мумкин бўлган тажриба соҳасини ҳосил қилувчи билиш мумкин бўлган ходисалар ҳақидаги дуализм таълимоти скептицизм ва догматизмга қарши чиққан. Сезги, ҳис-туйғулар чалкашлиги ва мантиқсизлигини тартибга солиб турадиган умумаҳамиятта молик бўлган априор (тажрибадан ҳоли) шакллар -

билишнинг шартидир. Бироқ, Тангри озодлик, мангуликнинг назарий жихатдан исботлаб бўлмайдиган ғоялари “амалий идрок” постулатлари, ахлоқнинг зарурий шарт-шароитлари ҳисобланади. И.Кант этикасининг бурч (мажбурият) тушунчасига асосланган бош тамойили - катъий императивдир. Назарий идрок антиномия (зиддият) лари ҳақидаги Кант таълимоти диалектика ривожда катта роль ўйнаган.

И.Кантнинг дунёқарашини шаклланишида қуйидаги файласуфларнинг таълимотлари катта таъсир кўрсатган: Платон, Беркли, Вольф, Тетенс, Хатчесон, Монтень, Юм, Декарт, Лейбниц, Локк, Мальбранш, Ньютон, Руссо, Спиноза.

Кант томонидан ижтимоий-фалсафий, сиёсий-ҳуқуқий ғояларнинг асослаб берилиши жамият тараққиётида ижтимоий қонунларнинг ўзига хос хусусиятларини англаш йўлида қўйилган муҳим кадам бўлган. Айниқса, мазкур қонунлардан бири одамларнинг субъектив ўй-фикрлари, ният-мақсадлари тарихнинг объектив ҳулосаси билан мос келмаслигини кўрсатади.

Кант ўзининг фалсафий, айниқса ахлоқий таълимоти билан кейинги даврлар дунё фалсафий тафаккури тарихида ўчмас из қолдирган мутафаккир сифатида тарихга мангу муҳрланди.

1.02. Иммануэл Кантнинг ҳуқуқ фалсафаси

И.Кант ҳуқуқий назарияси этика билан чамбарчас боғлиқдир. Бу унда ҳуқуқ ва ахлоқ манбаи (инсон амалий идроки) ва мақсади (умумий эркинлик) ҳам бир хил эканлиги билан изоҳланади. И.Кант улар орасидаги тафовутни хатти-ҳаракатлар мажбурияти усулида аниқлаган. Ахлоқ инсоннинг ботиний истак- майллари ва ўз бурчини англашига асосланган, ҳолбуки, у шунга ўхшаш хатти-ҳаракатларни таъминлашда бошқа шахслар ёки давлат томонидан бўладиган ташқи мажбуриятлардан ҳуқуқ сифатида фойдаланади. Ахлоқ соҳасида умуммажбурий нормалар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, ваҳоланки, ҳуқуқ мажбурий куч томонидан таъминланган қонунчилик мавжуд эканини зарурат сифатида эътироф этади.

И.Кант ҳуқуқ ва ахлоқ муносабатларига тўхталиб, ҳуқуқий қонунларни ахлоқнинг ўзига хос биринчи босқичи (ёки минимуми) деб таърифлаган. Агар жамиятда ахлоқий қонунларга ҳамоҳанг ҳуқуқ устувор бўлса, бу - одамлар хулқ-атвори қатъий, аниқ ва яққол белгиланган, шунинг учун ҳам бир шахснинг эркин хоҳиш-иродаси бошқалар озодлигига зид келмайди, демакдир. Шу сингари муносабатлар буткул ахлоқий саналмайди, чунки индивидлар бурч тақозосига кўра эмас, балки бутунлай бошқа сабаблардан - шахсий фойдани кўзлаб ёки жазодан кўрқиб ва ҳоказодан келиб чиқиб иш кўрадилар. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқ одамлар ўртасида зоҳиран мақбул, маданийлашган муносабатларни таъминлайди, бироқ улар ўзаро менсимаслик, ёқтирмаслик ва ҳатто бир-бирларига нисбатан нафрат ҳолатида ҳам бўлишлари мумкин. Ёлғиз (ахлоқсиз) ҳуқуқнинг ўзи ҳукмрон бўлган жамиятда шахслар ўртасида “тўлиқ антагонизм” сақланиб қолади.

И.Кант бошқа йирик файласуфлар (Г.Гегель, Ф.Шеллинг, Й.Фихте) билан бир қаторда, энг аввало, азалий фалсафий муаммо - билиш соҳаси, этика, дунё тузилиши масалаларига тўхталган буюк фалсафий бурилишни амалга оширган. Бундай фалсафий ўзгаришнинг, табиатшуносликдаги ўзига хос “Коперникона кескин бурилиш” нинг марказий нуқтаси, бу - Кант

сўзлари билан айтганда, “метафизикада илгари мавжуд бўлган тафаккур усулини ўзгартириш, геометрия мутахассислари ва табиатшунос олимлардан ибрат олиб, айнан унда тўлиқ инқилобни амалга ошириш”¹ йўлидаги уринишдир.

И.Кант шунчаки классик файласуфлардан бири эмас, балки фалсафага Янги замон талабларига мос келадиган мустақил фан мақомининг берилишига хал қилувчи ҳисса қўшган фалсафа инқилобининг асосчисидир. Кант фалсафий- ҳуқуқий таълимоти “инсониятнинг маънавий тараққиётида фалсафий тафаккур эришган энг буюк ютуқлардан бири”² сифатида ўзининг муносиб баҳосини олган.

Ўзининг “Амалий идрок танқиди” (1788), “Умумжаҳон фуқаролик нуқтаи назарида умумий тарих ғояси” (1784), “Абадий тинчлик сари” (1795), “Урф-одатлар метафизикаси” (1797) каби асарларида И.Кант бугунги кунда ҳам долзарб бўлган янги ҳуқуқий ва ахлоқий қарашларнинг бутун бир тизимини таклиф қилиб, ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги таълимотни асослаб берган. Кант фикрича, ҳуқуқ нормаларида этикадан фарқли равишда фақат кишилар ўртасидаги ташқи муносабатлар кўзда тутилади.

И.Кант амалий фалсафаси асосини идрок автономияси концепцияси, соф амалий идрок мустақил қонунчилиги тўғрисидаги таълимот ташкил этади. И.Кант амалий фалсафаси унинг ҳуқуқ ва абадий тинчлик ҳақидаги таълимотининг ғоявий негизи ҳисобланади. Мазкур таълимотда Кант абадий тинчлик концепциясининг ғоявий асосини ташкил қиладиган унинг ҳуқуқ фалсафаси мужассамдир. Ижтимоий шартнома назарияси бошқа бир ғоявий негизни ташкил қилади. Ҳуқуқий ҳолатни таъминлашга қаратилган ҳаракат устувор йўналиш саналади, унинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, ҳуқуқ ҳукмронлиги;*
- иккинчидан, хавфсизлик;*

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 3. - М. 1964. Стр. 91.

² Ойзерман Т.И. Этико-теология Канта и ее современное значение // Вопросы философии. 1997. № 3. Стр. 106.

•*учинчидан, тинчлик.*

Шундай ҳолат сари йўналтирилган ҳаракат бевосита ҳуқуқий бурч ҳисобланади. Онгли мавжудот ўзининг ташқи эркинлигида фақат ҳар омонлама амал қиладиган қонунлар билан боғлиқ бўла олиши мумкин.

И.Кантнинг давлат тўғрисидаги фалсафий таълимотида асосий фикр шундан иборатки, инсон нафақат ўз-ўзига, балки ижтимоий институтларга, юридик қонунларга ҳам умид боғлайди. Унинг ғояларининг назарий манбаи - Ж.Ж.Руссо қарашларидир. Давлат назариясининг бош тушунчаси - фуқаролар эркинлиги тушунчасидир. И.Кант фуқаролар тенглиги ва фуқаролар мустақиллиги тамойилларини у билан ёнма-ён қўйган. У вакиллик республикасини давлатларнинг мукамал шакли деб ҳисоблаган. И.Кант зулмга кескин қарши, зулмдан қутулиш учун у қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятларига бўлиниш ҳақидаги фикрида собит турган.

Абадий тинчлик ғояси - И.Кантнинг инсонпарвар ҳуқуқ фалсафасида яқуний бўғин ҳисобланади. Қонунлар устувор бўлган жамиятда тинчлик ҳукм суради. Абадий тинчлик, бу - жамият ҳаётидан урушни батамом чиқариб ташлаш демакдир. Уруш ўзининг офат, мусибатлари, вайронагарчиликлари билан инсониятнинг ўсиб бораётган тараққиётига тўсқинлик қилади. Маънавий-ахлоқий онг-идрок урушларни қоралайди, шунинг учун маданият ва инсонпарварлик ривож топиб борар экан, урушлар буткул барҳам топмагунга қадар, тобора камайиб бораверади.

Дунё фуқароси сифатида И.Кант давлатларнинг чексиз қуролланиши тинчлик учун жиддий хавф-хатар эканини таъкидлаган, чунки қуролланиш ва армиялар сақлаш учун сарфланаётган улкан маблағлар, ҳарбий куч-қудратни ошириш учун давлатлар ўртасида бўлаётган рақобат охир-оқибат урушларни келтириб чиқариши муқаррар, деб ҳисоблаган.

Кант фикрича, инсоният олдида абадий тинчликка эришишнинг икки йўли мавжуд: бири - урушларни таъқиқловчи шартномавий йўл, иккинчиси эса - қирғинбарот урушлардан сўнгги умумжаҳон мозоридаги “абадий тинчлик”дир.

И.Кантни Сукрот билан қиёслашади, чунки унинг фалсафаси инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган. Эллин (қадимги юнон) донишманди фалсафани биринчи бўлиб самодан қуйига туширган ва ер юзида қарор топдирган, коинот билан эмас, одамзод муаммоси билан машғул бўлган. И.Кант учун ҳам инсон муаммолари биринчи ўринда турган. У коинотни ҳам унутмаган, лекин асосий масала - инсон деб билган. И.Кант ҳаёт қонунлари хусусида фақат биргина: одамда инсонпарварлик бўлсин, деган мақсадни кўзлаб фикр юритган. Одамлар яхшироқ яшасин, деган. Қон тўқилмасин, ҳаёлпарастлар хомхаёл билан бошини қотирмасин, деган. И.Кант ҳамма нарсани ўз номи билан атаган.

Ҳуқуқ-тартибот ва ошкоралик, инсоннинг табиий ҳуқуқлари ва ҳуқуқий давлат ҳамда инсониятнинг омон қолиши учун курашнинг Кант асослаб берган назарияси ХХІ аср бошида ҳам ниҳоятда долзарбдир, чунки у юксак инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кундаги мавжуд фалсафий мушоҳадаларнинг деярли барча кўринишлари у ёки бу тарзда И.Кант даҳосига мансуб бўлиб чиқади. Унинг ғоялари трансформация (бир шаклдан бошқа шаклга ўтиш, ўзгариш) жараёнини бошдан кечирганига қарамасдан, ҳамон яшаб келмоқда, ҳамон барҳаёт.

И.Кантнинг бой ва кўп қиррали ижоди қуйидаги файласуфларнинг дунёқарашини шаклланишига катта таъсир кўрсатган: Рейнгольд, Якоби, Мендельсон, Гербарт, Соломон-Маймон, Фихте, Шеллинг, Гегель, Шопенгауэр, Фриз, Гельмгольц, Коген, Наторп, Виндельбанд, Риккерт, Риль, Файхингер, Кассирер, Гуссерль, Хайдеггер, Пирс, Витгенштейн, Апель, Стросон, Куайн.

И.Кантнинг ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги таълимотини фақат унинг яхлит, бир бутун фалсафий тизими ғояларидан келиб чиқиб, тушуниш мумкин. Бунда унинг фалсафасидаги умумий дуализмни - И.Канг томонидан олиб борилаётган “назарий” ва “амалий” идрок ўртасидаги қарама-қаршилиқлар, билиш, ирода ва тафаккур соҳасини, ўз хатти-ҳаракатида

ахлоқий қонунга онг, ақл-идрокимизнинг қатъий империативи сифатида амал қилишга қодир кишиларнинг ҳаракатларини тушуниш муҳим аҳамият касб этади.

И.Кантнинг ҳуқуқ ва давлат масалаларига бағишланган муҳим асарлари XVIII асрнинг сўнгги йилларига тааллуқлидир (1793-1798). Бу давр эски тузумни ағдариб ташлаб, унинг харобалари ўрнида янги давлат барпо қилган Француз инқилобининг шиддатли воқеалари билан характерланади. Германияда француз инқилобининг бевосига таъсири остида мавжуд давлат ва ҳуқуқий тизимни ўзгартириш муаммолари диққат-эътиборни ўзига жалб эта бошлаган. Мазкур масалалар ечими И.Кант томонидан яратилган трансцендентал фалсафа асосларидаёқ ўз ифодасини топган¹.

“Соф идрок танқиди” асарида И.Кант билиш жараёнида инсоннинг ирода эркинлиги мавжудлигини исботлаш мумкин эмас, деган хулосага келган. Бироқ инсоннинг ирода эркинлиги, унинг таълимотига кўра, “амалий идрок” соҳасида тўлиқ намоён бўлади.

Маълум даражада лозим бўлган инсон ахлоқига оид тартиб-қоидаларни Кант императивлар деб атаган. Императивлар қатъий ва гипотетик бўлиши мумкин. Гипотетик императивлар тажрибадан олинади ва улар муайян эмпирик мақсадлар, масалан, шахсий бахт-саодатга эришиш йўлидаги интилишларга сабаб бўлади. Лекин бу инсон иродасини белгилаши лозим бўлган асосий нарса эмас. Гипотетик императив билан бир қаторда инсон ахлоқига доир қатъий императив ҳам мавжуд.

Қатъий императив ахлоқий қонун ҳисобланади. Бу - қандайдир хусусий, шахсий мақсадларни кўзламаган онгнинг ўз- ўзидан мутлақ ҳукми, эркин ирода соҳиби бўлган онгли мавжудот - инсоннинг муносиб ахлоқи тўғрисидаги қатъий талабидир. Қатъий императив ҳар қандай инсон зотининг ақл-идроқи, онгида туғилади ва шу сабабли ҳамма ва ҳар бир киши учун бурч ва ирода нуқтаи назаридан муқаррар аҳамият касб этади.

¹ Болтаев М.Н. Кант ва трансцендентал фалсафанинг асосланиши. - Бухоро. “Бухоро” нашриёти, 2006. 18-32-бетлар.

Қатъий императив инсондан ўз хатти-ҳаракати ва муомаласида қуйидаги қоидага сўзсиз риоя қилишни талаб этади: “Фақат ўз қонданга мувофиқ ҳаракат қил, унга риоя қилиб, айна пайтда унинг умумий қонунга айланишини хоҳлашинг мумкин”¹. Ахлоқий қонун тушунчаси ирода эркинлигининг икки: салбий ва ижобий белги - аломати борлигига асосланади.

Ирода эркинлигининг салбий белгиси унинг эмпирик оламда ҳукм сурадиган заруриятга боғлиқ эмаслиги билан характерланади. Ирода эркинлигининг ижобий хусусияти шундаки, ирода ўзи белгилаган қонун-ахлоқий қонунга мувофиқ ҳаракат қилиши мумкин. Ирода эркинлигини табиат қонунлари орқали изоҳлаб бўлмайди. Бу-шундай идрок тушунчасики, унинг объектив реаллигини билиш жараёнида тасдиқлаш мумкин эмас. Бироқ унинг ўзида табиий инстинктлар ёки қандайдир бошқа эмпирик таъсиротларга қарамасдан, ҳаракат имкони борлигини англайдиган ҳар қандай онгли мавжудотда бўлиши шартдир.

Инсон ирода эркинлигига эга бўлган онгли мавжудот сифатида И.Кант таълимотида ўз-ўзидан мақсад ҳисобланади. Шу муносабат билан қатъий императивга қуйидаги ўзгача таърифни ҳам бериш мумкин: “Шундай ҳаракат қилгинки, ҳамиша инсониятга ўз номингдан ва бошқа ҳар ким номидан ҳам мақсадга бўлгани каби ва унга ҳеч қачон фақат воситага муносабатда бўлмаганингдек, мансуб бўлгин”². Қатъий императивнинг мавҳум шаклдаги талаби инсон шахсияти шаънига ҳурмат билан қарашни, инсон тенглиги ва эркинлиги ғояларини ифодаларди. Кантнинг ушбу объектив тарихий ғоялари классик либерализмнинг ўзига хос ифодасидир.

Шуни таъкидлаш керакки, И.Кантнинг ахлоқ тўғрисидаги таълимоти динни эмас, балки инсон тафаккурини ўз манбаи деб билган. Ахлоқ тўғрисидаги бундай фикр фалсафа ва фан тараққиёти - маърифат даврининг умумфалсафий ғоялари изидан борган. И.Кант “Амалий идрок танқиди” асарида худонинг мавжуд эканлигини исботлаш мумкин эмаслигини

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 1. - М. 1965. Стр. 260.

кўрсатиб ўтган. Тўғри, амалий идрок тўғрисидаги таълимотда худо ахлоқ постулатларидан бири сифатида келтирилган. Бироқ И.Кантнинг ахлоқ тизимида худонинг роли бирмунча оддий, камтарона ифода этилган. Худо-ахлоқнинг қонун чиқарувчиси эмас, балки дунёдаги ахлоқий тартибот реал имкониятларининг ўзига хос кафолатидир¹.

И.Кант “Амалий идрок танқиди” асарида ахлоқ қонундаси бевосита амалга ошириш иродасини белгилайдиган ахлоқий хатти-ҳаракат билан қонуний хатти-ҳаракатни бир-биридан ажратиб берган, гарчи иккинчиси ҳам ахлоқий қонунга мувофиқ, лекин қандайдир баъзи бир ҳиссий сабабларга кўра амалга оширилган бўлса ҳам². Инсон хатти-ҳаракатининг ахлоқийлиги билан қонунийлиги ўртасидаги тафовут И.Кант “Урф-одатлар метафизикаси” асарининг икки қисмга бўлинишига олиб келган:

- *биринчидан*, қатъий императив талабларига қонуний амал қилиш кўринишидаги ҳуқуқ соҳаси;

- *иккинчидан*, ахлоқий қонунга маънавий риоя этиш кўринишидаги ахлоқ, эзгулик соҳаси.

Лекин қатъий императив талаблари И.Кант фалсафасида ҳам эзгулик ҳақидаги таълимотга, ҳам ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотга асос бўлган. Ахлоқий қонунга ҳуқуқий амал қилиш кишиларнинг ўзаро муносабатлари соҳасигагина тааллуқли бўлиши мумкин, холос.

И.Кант фикрича, идрок эркинлиги расман, энг аввало, шахснинг қандайдир эмпирик таассуротлардан чалғиб, ихтиёрий хатти-ҳаракат қилиш қобилияти орқали ифодаланади. У шунингдек ҳар бир шахс онгида ахлоқий қонуннинг мавжуд эканлигига қарамасдан, инсон ахлоқий қонунга ҳилоф равишда ўзбошимчалик қилиши мумкинлигини ҳам истисно қилмайди. Шунга кўра, маълум бир шахс ўзбошимчалиги бошқа кишиларнинг шунга ўхшаш хатти-ҳаракати билан ўзаро тўқнашиши ва бу билан уларнинг эркинлиги бузилиши ёки барҳам топиши ҳам мумкин. Шу сабабли, ҳеч ким

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 1. - М. 1965. Стр. 270.

² Ўша жойда 396 бет.

бошқаларнинг эркинлигига раҳна солмаслиги учун ҳар бир шахснинг ўзбошимча ҳатти- ҳаракати жамият томонидан муайян даражада чеклаб қўйилмоғи зарур. Шундай шарт билангина эркинлик ўз номига мос бўлади. Бу вазифани, И.Кант фикрига кўра, ҳуқуқ бажаради. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқ алоҳида, айрим шахсларнинг шундай ҳаракат ва муомаласигагина йўл қўйиши лозимки, у зоҳиран ахлоқий қонун талабларига тўғри келсин. Шунинг учун ҳуқуқ (умумҳуқуқий қонун) соҳасидаги қатъий императив куйидагича жаранглайди: “Зоҳиран шундай ҳаракат қилгинки, ихтиёрий ўзбошимчалигинг ҳар кимнинг эркинлигига тўғри келсин ва умумий қонунга мувофиқ бўлсин”¹.

Мазкур талабни амалга ошириш учун ҳуқуқ мажбурлов кучга эга бўлиб, ўз талаблари ижросига эришиши, ҳуқуқбузарликка тўсқинлик қилиши ва қонун дахлсизлигини таъминлаши зарур. Бусиз ҳуқуқ кучсиз бўлиб қолган, умумий қонун шаклидаги қатъий императив муқаррар аҳамиятга молик бўлмаган, оқибатда ҳуқуқбузарликка кенг йўл очиб берилган бўлар эди. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳар қандай ҳуқуқ мажбурлов ҳуқуқи ҳисобланади. Мажбурийлаш куч эгаси эса, давлатдир.

Шундай қилиб, давлат қатъий императив талабларидан келиб чиқиб мавжуддир. Давлатнинг асосий вазифаси ҳуқуқ муҳофазаси ва адолатни амалга оширишдан иборат бўлмоғи лозим. Адолат-давлатнинг етакчи ғояси ҳисобланади. Шу туфайли ҳуқуқий муносабатлар соҳасида қатъий императив талабларига мувофиқ, инсонга қандайдир манфаатпарастлик мақсадларига эришиш учун восита деб эмас, балки унга ўз - ўзидан мақсад деб қаралади.

Инсоннинг табиий ҳуқуқлари сингари табиий ҳуқуқ назарияси француз инқилобини ғоявий жиҳатдан тайёрлашда муҳим роль ўйнаган. У феодализм асоратидан ҳалос бўлишда шахс озодлиги талабларининг мафкуравий ифодаси бўлган. Табиий ҳуқуқ назарияси барча кишиларнинг расман тенглиги ва озодлиги, ҳар бир инсон шахсияти шаънига ҳурмат-эҳтиром ғоялари билан суғорилган.

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. - М. 1965. Стр. 140.

И.Кантнинг табиий ҳуқуқ назарияси ҳам худди шундай ғоялар билан йўғрилган. Лекин у ўзидан олдинги Француз табиий ҳуқуқ назариясидан ҳам назарий, ҳам сиёсий жиҳатдан ажралиб турган. Назарий жиҳатдан у И.Кантнинг бутун танқидий фалсафаси асослари билан боғлиқ бўлиб, бевосита қатъий императивнинг идрок ахлоқий ҳукми сифатидаги талабларига таянган. Сиёсий жиҳатдан ўша даврдаги иктисодий ва сиёсий заиф, Ж.Ж.Руссо ва унинг издошларининг табиий-ҳуқуқий доктринасига хос бўлган фаол инқилобий руҳдан маҳрум Германиянинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирган.

И.Кант сиёсий-ҳуқуқий ғоялари мажмуини тушуниш учун унинг Ж.Ж.Руссо сиёсий-ҳуқуқий назариясига бўлган муносабатини назарда тутиш лозим. И.Кант Ж.Ж.Руссо томонидан илгари сурилган ва ўз даврида Француз инқилобининг талабларидан бири - халқ суверенитети ғоясининг назарий асоси бўлиб хизмат қилган “ижтимоий шартнома” ғоясидан ўзига хос тарзда фойдаланган. И.Кант “ижтимоий шартнома” га фуқаролик жамияти ва давлатнинг асоси сифатида қараган. Бироқ И.Кант “ижтимоий шартнома” ни тарихий воқеа сифатида эмас, балки ҳуқуқ институтларини уларнинг қатъий императив талабларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан тартиб-қоидага солувчи ғоя сифатида талқин этган. И.Кант фикрича, халқ ўзи ҳақида қабул қила олмаган қарорни халқ хусусида қонун чиқарувчи ҳам қабул қила олмайди¹. Бу тарихий жиҳатдан ниҳоятда демократик ғоя эди. Адолатсиз қонун сифатида И.Кант шундай қонунни келтирадими, унга мувофиқ гўё қандайдир фуқаролар синфи хўжайин ҳукмдорлар табақаси имтиёзларидан мерос сифатида фойдаланишлари мумкин². И.Кант дворянларнинг мерос тариқасидаги имтиёзларига қарши чиқиб, уларни бошланғич шартномада ифодаланган умумхалқ иродасига зид деб ҳисоблаган. “Абадий тинчлик сари” номли асарида у шундай деб ёзган: “Бунга дастлабки шартномада ифода этилган умумхалқ иродаси (айнан мана шу ирода барча ҳуқуқлар

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т 4. Ч. 2. - М. 1965. Стр. 96.

² Ўша жойда 82 - бет.

асосидир) ҳеч қачон рози бўлмайди. Чунки томирида аслзода қони оққани билан одам олижаноб бўлиб қолавермайди”¹. Шундай қилиб, Кант ўз кўз ўнгида кечган, мерос ҳукмдорлар табақаси-феодал дворянларни йўқ қилган Француз инқилобининг мазмун-моҳиятини оқлаб, тўғри деб топган.

И.Кант қабул қилинишига халқ ўзи розилик берган қонунгина адолатлидир, деб ҳисоблаган. Бунда у халқнинг ўз подшоҳига нисбатан дахлсиз ҳуқуқларини назарда тутган, шу билан бирга, халқ уларни бажаришга мажбур эмас, деган фикрда бўлган. Мазкур қондан И.Кант 1793 йилдаёқ ўзининг “Эҳтимол, бу назарий жиҳатдан тўғридир, бироқ амалиёт учун ярамайди” матали тўғрисида” номли мақоласида баён қилган. И.Кант фикрига кўра, фуқаронинг ажралмас ҳуқуқларидан унга подшоҳнинг жамият ҳақидаги қайси фармойишлари адолатсиз бўлиб туюлаётгани хусусидаги ўз фикрини очиқ-ойдин билдириш ҳуқуқи келиб чиқади. Шунинг учун И.Кант матбуотнинг сўз эркинлигига “халқ ҳуқуқлари учун ягона палладиум (муқаддас, табаррук нарса)”² сифатида қараган.

И.Кант ўзининг умумий сиёсий-ҳуқуқий қарашларини 1793 йилда куйидагича ифодалаган эди: “Ҳар қандай жамиятда (тўлиқ кўзда тутилган) мажбурий қонунлар бўйича давлат тузуми механизмига итоат қилиш керак, лекин шу билан бирга, эркин руҳ ҳам зарур, чунки умуминсоний бурч масалаларида ҳар ким бундай мажбуриятнинг қонуний эканлигига ишонч ҳосил қилишни истайди, акс ҳолда у ўз-ўзи билан зиддиятга киришиши мумкин”³.

И.Кант ҳокимият ваколатларининг бўлиниш ғоясини жамиятни давлат томонидан тузишнинг асосий тамойили сифатида қизғин ҳимоя қилган. Бу жиҳатдан у XVIII аср Француз мутафаккирлари изидан борган. Ҳокимиятлар бўлинишига И.Кант ижтимоий адолат ва фуқаролар эркинлиги кафолати сифатида катта аҳамият берган. Бир-биридан фарқ қиладиган учала (қонунчилик, ижро ва суд) ҳокимият тўғрисида давлат “автономия”га эга

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 6. - М. 1966. Стр. 268.

² Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. - М. 1965. Стр. 95.

³ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. - М. 1965. Стр. 97.

бўлади, яъни ўз-ўзини тузади ва ҳуқуқий асослар, эркинлик қоидаларига мувофиқ қўллаб-қувватлайди.

“Давлат равнақи, фаровонлиги шунда, унга интилишни онг-идрокимиз қандайдир қатъий императив орқали зиммамизга юклайди”¹.

Халқ вакиллигини И.Кант қонунчилик ҳокимиятининг энг адолатли шакли деб ҳисоблаган. Қонунчилик ҳокимиятини шакллантиришда иштирок этадиган шахслар давлатнинг фаол фуқаролари саналади. Бундай фуқаро бўлиш учун қуйидаги энг муҳим хусусиятларга эга бўлмоқ лозим:

- *биринчидан*, ҳар бир кишининг бошқа қонунга бўйсунмаслик, бундан ташқари, ўзи розилик берган қонун асосидаги эркинлик;

- *иккинчидан*, қонун олдида фуқаро сифатида тенглик, яъни жамиятнинг ҳар бир аъзоси бошқаларга нисбатан баравар, фақат жамият раҳбарига дахлсиз бўлган мажбурий ҳуқуқларга эга бўлиш;

- *учинчидан*, фуқаро сифатида мустақиллик, яъни ўз иши, касб-кори ва ҳуқуқлари нуқтаи назарида қарам эмаслик.

Охириги хусусиятга биноан И.Кант моддий жиҳатдан бошқа шахслар иродасига тобе, бошқалар буйруғи ва ҳимоясига мухтож бўлганларни тўла ҳуқуқли фуқаролар сафидан чиқарган. Шу тариқа, у тўла ҳуқуқли фаол фуқаролар сафидан шогирдлар, приказчик (ишбоши)лар, оброк (ўлпон) тўловчи деҳқонларни, уй хизматчилари ва ҳоказоларни, “табiiй хусусиятлари”га кўра эса-аёллар, хотин-қизлар ва вояга етмаганларни чиқариб ташлаган. Бу фуқаролар сайлов ҳуқуқидан маҳрум. Лекин қолган жиҳатлари бўйича бошқалар билан тенг ва озод бўлганлар.

И.Кантнинг халқаро ҳуқуқ фалсафаси асослари “Абадий тинчлик сари” (1795) асарида янада тўлиқроқ баён этилган. Шуни таъкидлаш керакки, халқаро ҳуқуқ тўғрисидаги Кант таълимоти унинг бутун ҳуқуқий назариясининг энг илғор қисмларидан бири саналади. Халқаро ҳуқуқнинг пировард мақсадини у абадий тинчликка эришишда деб билган. И.Кант подшоҳ давлат эгаси ва у ўз фуқароларининг ҳаёти ҳамда мулкига

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. - М. 1965. Стр. 240.

хўжайинлик қила олади, деган мазмундаги Ўрта аср назарияларига қатъий қарши чиққан. У халқ ўз вакиллари орқали нафақат умуман уруш олиб боришга, балки ҳар қандай алоҳида урушни эълон қилишга ҳам розилик бериши лозим, деб ёзган ва давлатлар ўртасидаги бахс-тортишувларни халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилган ҳолда асосан, тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлган.

И.Кант ҳарбий ҳаракатларни уруш эълон қилмай туриб, бошлаб юборишни йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат, тажовузкорона урушни эса ноқонуний, деб ҳисоблаган, бироқ тажовуз ёки таҳдидга қарши урушни қонуний, деб эътироф этган. У ҳар қандай ҳарбий ҳаракатлар пайтида ҳам уруш қонунлари ва урф-одатларига амал қилинишини талаб қилган. Урушдан кўзланган мақсад бирон-бир халқнинг қирғин қилиниши ёки уни мағлуб этиш йўли билан қулга айлантириш ёки ғолиблар билан аралашиб кетиши (ассимиляция) га йўл қўйиш ҳолатларига қатъий қаршилик билдирган.

И.Кант мустамлакачилик урушларига нисбатан кескин норозилик билдирган. У миллатлар ва элатлар ўртасида юзага келадиган низо, нифоқ ва адоватларни бартараф этиш ва бўлиши мумкин бўлган тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадида халқлар иттифоқини тузиш ғоясини илгари сурган. “Халқаро ҳуқуқ эркин, озод давлатларнинг федерализмига асосланиши лозим”¹. И.Кант бундай иттифоқ ушбу халқлар яшаётган давлатларнинг эмас, балки тенг ҳуқуқли халқларнинг иттифоқи бўлиши лозим, деб таъкидлаган. Федерация аста-секин барча давлатларни жалб этиб, шу йўл билан “ҳеч қандай уруш бўлмаслиги керак” деган амалий идрок тушунчасига мувофиқ абадий тинчликка олиб келиши лозим.

Уруш ўз ҳуқуқига эришиш усули эмас. И.Кант абадий тинчликни олий сиёсий бахт-саодат деб эълон қилган.

Албатта, И.Кант томонидан бундан 200 йил муқаддам кўтарилган ўша халқаро ҳуқуқ масалаларини бугунги кун учун ҳам фавқулодда долзарб деб бўлмайди. Кантнинг тинчлик учун кураш соҳасидаги кўплаб тақлифларининг

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 6. - М. 1966. Стр. 271.

амалга ошмайдиганлиги, замонавий халқаро ҳуқуқ масалаларини ишлаб чиқиш методологиясининг ноқулайлигига қарамасдан унинг ғоялари ўз даври учун дадил ва тараққийпарвар характерга эга бўлган. И.Кантнинг “Абадий тинчлик сари” асари халқларнинг умум тинчлик йўлидаги илғор ижтимоий-сиёсий тафаккурининг кураш тарихида мангу ёрқин саҳифа бўлиб қолажак. Ушбу асарнинг асосий ғоясини давлат ташқи сиёсати билан унинг ички сиёсий тузилиши, ички сиёсати ўртасидаги боғланиш ташкил этган.

1.03. И.Кант ижодида давлат ва юридик аксиология масалалари

Юридик аксиология (ҳуқуқий қадриятшунослик) “Умуман, қадриятлар ҳақидаги мавзу - Кант мавзуси, бу - мавжудликнинг ўз-ўзидан ҳақиқатга мувофиқликлари ҳақида эмас, балки мавжудликка мувофиқ равишда лозимликнинг маъноси тўғрисидаги мавзудир. Шунинг учун, агар воқеликнинг ўзида бу муаммо - ҳуқуқий қадрият билан - ўзаро боғланиш, амалийлик бўлса, бу яхши, албатта”¹.

Ҳуқуқшунослик учун ҳуқуқда, унинг етакчи институтларида, амалга оширилиш жараёнидаги ижтимоий идеаллар ҳамда қадриятларнинг мужассам ҳолда намоён бўлиши ва аниқлаштирилишини кўрсатиб бериш муҳимдир. Бу дегани, масаланинг аксиологик томони бир вақтнинг ўзида умумий ҳуқуқ назариясининг мазкур муаммоси ечими билан бирга кўриб чиқилиши лозим.

Аксиология-қадриятлар тўғрисидаги фалсафий таълимотдир. “Қадрият” тушунчасидан ахлоққа тегишлиликнинг тор маъносида фойдаланиш И.Кантга бориб тақалади². Унинг талқинидаги қадриятлар, бу - муқаррарлик ва эркинликнинг ахлоқий дунёсида маъно-мазмун ва аҳамиятга эга бўлган нарсалардир. Бўлиши лозимлик, муқаррарликнинг ушбу априор олами И.Кант томонидан сабаб-оқибат боғланишлари ва зарурият ҳукмрон бўлган “борлик (мавжудот, эмпирик ходисалар дунёси) дан узилган ва қарама-қарши ҳолатда курилади. Зотан, гап бу ерда Кант фикрига кўра, ақл-идрок априор императивлари-мақсадлар, талаблар, лозимлик формулаларидан иборат бўлган қадриятларнинг норматив ва регулятив аҳамияти тўғрисида бормоқда. И.Кант ахлоқ ва ҳуқуққа мувофиқ равишда қисқача таъриф берган ўша катъий императивлар ҳам мана шу ахлоқий нормативлик билан боғлиқдир.

Лекин унинг издошлари (Р.Х.Логце, В.Виндельбанд ва бошқалар) янада илгарилаб кетганлар ва қадриятларнинг нафақат одоб-ахлоқ, балки фан ва

¹ Нерсеянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. - Т. 2003. 82-87 бетлар.

² Политико-правовые ценности: история и современность. - М. 2000. Стр. 5.

санъат соҳасида ҳам норматив-регулятив аҳамияти тўғрисидаги тасаввурларни ривожлантирганлар. Масалан, Кантнинг издоши В.Виндельбанд қадриятларни маданият нормаси сифатида тушунтирган ва чин ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик қадриятларидан ташқари санъат, дин, фан ва ҳуқуқ сингари инсон маданий бойликларидан иборат қадриятларни ҳам эътироф этган.

Кўриниб турибдики, аксиологиянинг ҳар қандай изчил концепцияси, жумладан, юридик аксиология ҳам қадриятлар ва баҳоланаётган воқеа, далил, асос (ҳодиса, объект, муносабатлар ва ҳоказо) ни қадриятларнинг тегишли иерархияси ва тизими - унинг қиймат жиҳатидан мазмун-моҳияти ва аҳамияти нуқтаи назаридан фарқлаш ва аниқлашни кўзда тутди. Бунда қадрият уни эмпирик мавжудот, ҳақиқатга мувофиқлик соҳасидан ажратишда (албатта, Кантча тафовут тарзи шарт эмас) мақсадлар, маъно-мазмун, аҳамият, бўлиши лозимлик, муқаррарлик, нормативлик, расмий тартиб-қоида ва ҳоказолар соҳасига тааллуқлидир. Шу хилдаги фарқлаш нафақат (лозимликнинг мавжудликдан, қадриятлар дунёсини ҳодиса ва ҳоказолар оламидан ажратишнинг энг сўнгги шаклидаги) Кантча ёндашувга, балки тўғридан-тўғри қарама-қарши, объектив-идеалистик дунёқарашга ҳам хос (Афлотундан тортиб, то Гегель ва уларнинг замонавий издошларига қадар), унга кўра, борлик бойлик (яъни қадрият) дир, бироқ борлик деганда эмпирик воқеийлик эмас, балки чин, ҳақиқий мавжудлик, яъни борлик ғояси, мазмун-моҳияти, муқаррарлик, бинобарин, қиймат жиҳатидан аҳамиятлилик кўринишидаги мавжудлик тушунилади¹.

Агар мавжудлик ва лозимликни Кантча фарқлаш лозимликнинг мавжудлик учун қадрият-мақсад жиҳатидан аҳамияти априористик тузилишлар билан концептуал тарзда тўлдирилса, унда борлик ва бойликнинг объектив-идеалистик ўхшашлигига, ўз навбатида, мавжудликни идеал (телеологик қадрият жиҳатдан) тушуниш орқали тузатиш киритилади. Шундай қилиб, мазкур қарама-қарши ёндашувлардан ҳар бири ўзича

¹ Политико - правовые ценности: история и современность. / Под ред. В.С.Нерсесянца. - М. 2000. Стр. 5-6.

лозимлик билан мавжудликнинг, маъно ва факт (далил) нинг ўзаро муносабати билан боғлиқ ҳолда муаммони қўяди ва унинг ечимини топади¹.

Айтиш мумкинки, Кант аксиологияси априоризмга эҳтиёж сезади, чунки у онтологиядан йироқ. Бошқа томондан, онтология ва заруриятли аксиологияни объектив-идеалистик жиҳатдан ўхшатиш борлиқнинг бошланғич қадрият-мақсад жиҳатидан талқин этилишини назарда тутаяди. Бунда қадрият жиҳатидан талқин этиш учун зарур бўлган муқаррарлик шартини идеал борлиқ хусусияти (яъни, объектив-идеалистик таълимотлардаги онтология кўриниши) сифатида ёки И.Кант таълимотидаги борлиқнинг эмпирик тавсифига кўра муқаррарликнинг алоҳида оламидаги феномен сифатида намоён бўлади ва ундаги априоризм етишмаётган онтологияни тўлдиради.

Юридик аксиологиянинг предмет доираси ва асосий мавзуси, бу - ҳуқуқ қадрияти, қонун (позитив ҳуқуқ) ва давлатнинг қадрият жиҳатидан аҳамияти муаммоларидир, зеро, юридик аксиология ҳам, бутун юридик фани сингари, нафақат ҳуқуқ, балки давлатни ҳуқуқий ҳодиса, яъни - мазкур эркин жамият аъзолари оммавий ҳокимиятининг ҳуқуқий ташкилоти (ташкилотнинг ҳуқуқий шакли) сифатида предмет тарзида ўрганади².

Юридик аксиология - бу ҳуқуқ қадрияти, қонун (позитив ҳуқуқ) ва давлатнинг ҳуқуқий аҳамияти тўғрисидаги таълимотдир. Юридик аксиология ҳуқуқ ва қонун тафовути ва ўзаро муносабатини кўзда тутаяди ва шундан келиб чиқиб, юридик ҳуқуқ тушунчаси доираси, негизи ва йўлидагина маъно касб этиши мумкин³. **Бунда ҳуқуқ, бир томондан, муҳим қадриятларнинг ифодаловчиси сифатида намоён бўлса, бошқа томондан-мустақил қадриятни бошқа олий қадриятлар қаторида тақдим этади⁴.**

Шундай қилиб, И.Кантнинг ҳуқуқ тўғрисидаги фалсафий таълимоти XVIII аср Фарбий Европа юридик тафаккури тараққиётидаги юқори босқични ифодалайди. Унда ҳуқуқ илмий назариясининг методологик асослари,

¹ Ўша жойда. 6 - бет.

² Мамут Л.С. Государство в ценностном измерении. - М. 1998. Стр. 48.

³ Политико-правовые ценности: история и современность. / Под ред. В.С. Нерсесянца. - М. 2000. Стр. 6.

⁴ Туманов В.А. Буржуазная правовая идеология. К критике учений о праве. - М. 1971. С. 350.

меъёрийликнинг интеллектуал иродага хос табиати, ҳуқуқ ва ахлоқнинг чегара чизиги ва бошқа шунга ўхшаш фундаментал масалалар кўтарилган. Ҳуқуқни имкони борича кенг маданиятшунослик нуқтаи назаридан таърифлаш, И.Кант ҳуқуқ фалсафасининг мустақил академик фан ва ўқув курси шаклида вужудга келиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берди. И.Кант асарларида баён этилган ўзаро боғлиқ субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятлар сифатидаги ҳуқуқий муносабатларнинг таъриф-тавсифи махсус юридик тадқиқотлар учун муҳим аҳамият касб этди.

Ижтимоий-сиёсий ҳодисаларни тушунтиришда априор ёндашув тамойилларига мувофиқ равишда И.Кант давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги масалани ҳал этишдан воз кечган. Бу билан у табиий ҳуқуқ концепцияларига хос бўлган муайян зиддиятни енгиб ўтишга интилган, уларда давлатнинг шартнома йўли билан тузилиши, биринчидан, ўтмишнинг амалий воқеаси, иккинчидан, сиёсий ҳокимиятнинг бўлғуси идеал ташкилоти асоси бўлиб гавдаланган. Бошланғич шартнома ундаги мавжуд феодал-мутлоқ тузумни ўзгартириш заруратини асослашга даъват этилган фақат ақл кўзи билан қараладиган тузилиш сифатида намоён бўлади.

Ушбу шартнома фақатгина ақл-идрок ғоясидир, холос, бироқ у маълум маънода шубҳасиз (амалий) реаллик касб этади, яъни ҳар бир қонун чиқарувчи зиммасига шундай мажбурият юклайдики, токи унинг чиқарган қонунлари бутун бир халқнинг бирлашган иродасига асосланган бўлсин. И.Кант ижтимоий шартномага аниқ, муайян қонунларнинг ҳаққонийлиги хусусида фикр юритиш имконини туғдирадиган регулятив тамойил хусусиятларини берган. Шартнома ғояси, унинг сўзларига кўра, ҳуқуқ ва ҳуқуқсизликнинг “бехато мезони” бўлиб хизмат қилади. Ҳақиқатан ҳам, деб ёзган эди Кант, халқнинг хўжайин (хукмдор) лар табақасининг мерос бўлиб қолган имтиёзлари тўғрисидаги қонунга розилик беришини тасаввур қилиш қийин. Жамиятнинг бир қатламини бошқа биридан устун қўядиган бундай қонун унинг назарида ҳуқуққа зид бўлиб кўринган.

“Фуқаролик жамиятининг абсолют-ҳуқуқий ҳолати” га (унда,

И.Кантнинг фикрича, шахс ўз ўзбошимчалиги ва сиёсий ҳокимият зўравонлигидан ҳимояланган) мос келадиган тамойилларни асослаб бериш учун у давлатнинг шартномавий келиб чиқиши назариясидан фойдаланган. Давлатнинг вужудга келишини Кант кишиларнинг ўзаро келишиши ва иродаси натижаси, деб тасаввур қилган. Шунинг учун давлат ҳокимияти доимо аниқ мақсадлар билан чегараланади ва ўзи ҳам шу мақсадларни кўзлаб тузилади. Бошқарув усули бошқарув “ўз ҳаракатида бирдан-бир қонуний тузум, яъни соф республика тузumi билан келишиши ва фақат халқнинг итоаткорлигига ёрдам бериш учунгина хизмат қилган эски эмперик (статуар) усуллар бошланғич (рационал) шаклга ўтиши учун бошланғич шартнома ғоясига мос келиши лозим”¹.

Халқ, И.Кант фикрича, эркинлик ва тенгликнинг ҳуқуқий тушунчаларига мос тарзда давлат бўлиб бирлашиши лозим². Кантнинг шартнома назарияси бевосита фуқароларнинг ҳар тарафлама васийлиги асосига қурилган мутлоқ полиция давлатининг идеологияси ва бошқарув амалиётига қарши қаратилган. И.Кант, аксинча, “ҳеч ким мени ўзи хоҳлаганидек (бошқа кишиларнинг тинчлик-хотиржамлигини ўзича қандай тасаввур қилса, шундай) бахтли бўлишимга мажбурлай олмайди; ҳар бир киши ўз бахтини ўзига яхши кўринган йўлдан, агар у бу билан бошқаларнинг шундай мақсад сари интилиш эркинлигига зарар етказмаса, излашга ҳақлидир...”³ деб қарайди. Ҳамонки, инсон ҳуқуқий қонунни бузмас экан, ўзи хоҳлаганча ўсиб-улғайиши, вояга етиши ихтиёрий. Шу нуқтаи назардан олганда, унинг шахсий ҳаётига аралашиб, масалан, полиция томонидан уй-жойини назорат ёки тинтув қилинишига И.Кант фақат бориб турган зарурият ҳолатидагина йўл қўйиш мумкин ва бундай ҳуқуқни у ҳар бир айрим ҳолатда олий ҳокимиятдан олиши лозим, деб ҳисоблаган.

Жамиятнинг барча аъзолари “ҳуқуқий жиҳатдан бир-бирлари билан мутлақо тенгдирлар..., чунки ҳеч ким бошқа бировни оммавий қонун (ва

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 2. Ч. 2. - М. 1965. Стр. 267.

² Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 6. - М. 1966. Стр. 299.

³ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. - М. 1965. Стр. 79.

унинг ижрочиси, давлат бошлиғи) орқали, бироқ ўша қонунга таяниб ва ҳар қандай бошқа киши унга тенг, барабар ҳолда қарши турса ҳам, бошқача тарзда мажбурлай олмайди ва ҳеч ким...ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмасдан, фақат бурч юзасидан, демак, баъзи бир ҳуқуқий ҳаракат шартномаси учун восита бўла олмайди, чунки бу билан у ўзини шартнома тузиш ҳуқуқидан маҳрум қилган ва шундай экан, шартнома ўз-ўзидан барбод бўлган бўлар эди”¹.

Давлатнинг келиб чиқишини таҳлил қилар экан, И.Кант унинг вужудга келишини қонунийликнинг ҳар қандай кафолатидан маҳрум бўлган табиий ҳолат, деб таърифлаган. Ахлоқий бурч, табиий ҳуқуққа бўлган ҳурмат ҳис-туйғуси одамларни бу ҳолатни тарк этиб, фуқаролик жамиятига ўтишга ундайди. Фуқаролик жамиятига ўтиш тасодифийлик характериға эга эмас. Яккаланиб қолган шахслар унинг кўмағида халқ ва давлат бўлиб уюшадиган акт (хужжат) шартнома ҳисобланади.

Давлатнинг келиб чиқиши масаласида И.Кант Ж.Ж. Руссоға фикрдош бўлган. Одамларнинг табиий ҳолатдаги турмушдан фуқаролик жамиятидаги ҳаётға ўтиши шартнома воситасида амалға ошади. Мазкур шартнома табиатининг Кантча изоҳи ирода автономияси ҳақидаги, ахлоқий субъект ва ҳоказолар ҳисобланган шахслар тўғрисидаги ғоялар билан чамбарчас боғланган. Тузиладиган шартноманинг асосий шarti - тузилаётган ҳар қандай ташқи мажбурият ташкилоти (монархия давлати бўладими ё сиёсий жиҳатдан бирлашган халқ бўладими) учун ҳар бир индивидда ҳеч қандай мажбурий бўлмаган ҳолда “ўз мақсадларига эришиш учун бошқа бировни воситаға айлантирмаслик” бурчини англайдиган ва бу бурчни бажаришға қодир бўлган шахсни эътироф этиш мажбуриятидан иборатдир.

И.Кант давлатни ҳуқуқий нормаларға бўйсунувчи кўплаб кишиларнинг бирлашган уюшмаси сифатида таърифлаган. Унинг этикасидаги бошланғич нуқта-инсон шахсияти чегараланган мақсад ва унга “умумбахт-саодати” йўлида қандайдир вазифаларни бажаришда восита деб қарамаслик лозим,

¹ Ўша жойда 249 - бет.

деган ишонч-эътиқод бўлган. Алоҳида инсон, шахс шунинг учун ҳуқуқ ва давлат тўғрисидаги Кант фалсафий таълимотида биринчи ўринда туради.

Давлат-ҳуқуқий ташкилотдир, у қонуний ахлоқ қоидаларини таъминлашнинг ташкилий, моддий ифодаси ва воситаси ҳамда ҳуқуқий хулқ-атвори таъминловчи воситалар, институтлар мажмуасидан ўзга нарса эмас. **Давлатнинг табиатида бундан бошқа нарса йўқ. Башарти яна бирон нима пайдо бўладиган бўлса, у - тасодиф, давлатнинг табиати - ҳуқуқийликдир. Давлатнинг мақсади - адолат ва ҳуқуқ тантанаси.**

И.Кант фикрига кўра, давлат ва ҳуқуқ - инсон табиатининг табиий натижаси, унинг шахсий ва ижтимоий асосларини уйғунлаштириш муқаррар заруриятининг, унинг бахт-саодати ва бутун инсониятнинг бахт-саодати ва тараққиёти йўлида худбинларча ҳавас ҳамда иштиёқларини истифода этиш табиий механизмининг бевосита оқибатидир. Кант назарида, табиат кишилик жамиятида антагонизм, рақобат ва ташаббусни ривожлантира бориб, одамлар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик алоқаларини уйғунлаштириш қуроллари юксак даражада тараққий этиши учун ҳам ғамхўрлик қилган. Шу маънода ҳуқуқ ва унга муносиб давлат инсоният тарихи ва табиатининг теран илдизлари билан узвий боғлиқдир.

Ҳуқуқ, **И.Кантнинг уқтиришича**, инсон ақл-идроқи ва эркинлигига асосланиши лозим. Қонунлар эса, уларнинг талабларига мос бўлиши лозим. **Унинг фикрича**, ақл-идроқ “қонунга хос мажбуриятни фақатгина эркинлик тамойилларига кўра асослаб берилишини талаб қилади, фақат шундагина ҳуқуқий жиҳатдан барқарор давлат тузуми бўлиши мумкин”¹.

Давлат, - деган эди у, - бу ҳуқуқий қонунларга бўйсунувчи кўплаб кишиларнинг бирлашган уюшмасидир”², унинг зарурий шарти жамият аъзоларининг амалий, хиссий маълум индивидуал, гуруҳ - гуруҳ ва умумий эҳтиёжлари эмас, балки батамом ҳис-туйғусиз, англаб бўладиган оламга мансуб категориялардир. Давлатга фуқароларнинг моддий таъминоти,

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 6. - М. 1966. Стр. 294.

² Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. - М. 1965. Стр. 233.

уларнинг ижтимоий ва маданий эҳтиёжларини қондириш, меҳнати, саломатлиги, билим олиши ва ҳоказолар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ташвиши тушмайди. Давлат фаровонлиги деганда “фуқаролар бахт- саодати ва фаровонлиги”ни тушунмаслик керак. Давлат фаровонлиги деганда, Конституциянинг ҳуқуқ асослари билан ўта мувофиқлик ҳолатини англамоқ лозим, ақл-идрок ҳам катъий императив ёрдамида унга интилишни зиммамизга юклайди. Давлат фаровонлиги ва мақсад-вазифаси ҳуқуқнинг мукамаллигида, давлат тузилиши ва идора усулининг ҳуқуқ принципларига юқори даражада мос келишида эканлиги ҳақидаги тезиснинг И.Кант томонидан илгари сурилиши ва ҳимоя қилиниши Кантни ҳуқуқий давлат ғоясининг илк асосчиларидан бири, деб ҳисоблаш учун тўла асос бўлиб хизмат қилади.

И.Кант ҳозирги кунда “ижтимоий давлат” деб аталаётган тушунчага қарши бўлган. Унинг фикрига кўра, фуқаролар фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш давлатнинг юридик мажбуриятлари қаторига кирмаслиги лозим, чунки “бахт - саодат” (шундай ғамхўрлик самараси) бир хил, баравар қўлланиш мумкин бўлган ҳуқуқий (яъни, “умумий”) принцип бўла олмайди. Ахир И.Кантнинг бутун этикаси ҳам (ҳуқуқ фалсафаси унинг бир қисмини ташкил этади) - ҳаракатлар учун умумий ва умуммажбурий асосларни қидиришдан иборат-ку. Ахлоқ ва ҳуқуққа нисбатан бундай ёндашув И.Кант тафаккурининг бутун услубига мос келиши ўз - ўзидан тушунарли. Бундан ташқари, И.Кант қонун даражасига кўтарилган (яъни, мажбурий) хайрия давлатнинг инсонга бўлган зўравонлик, патерналистик муносабатини кўзда тутуди, деб ҳисоблаган.

И.Кант давлат учун энг муҳим, зарур нарса - ҳуқуққа таяннш, ўз фаолиятини ва барча ҳаракатларини унга мувофиқ ҳолда олиб бориш эканлигини кўп марта таъкидлаб ўтган. **Ҳуқуқ ва эркинликка амал қилишдан бўйин товлаган давлат позитив қонунлар муҳофазасини таъминлай олмайди ва ўз фуқароларининг ишонч ва ҳурматидан маҳрум бўлиш хавфига дучор бўлади.** Одамлар онгли равишда давлатга

нисбатан оппозиция йўлини танлайди.

И.Кант ўзининг давлат тўғрисидаги фалсафий таълимотида ўзига замондош бўлган немис сиёсий-ҳуқуқий воқелигидан анча илгарилаб кетган. У ҳуқуқий давлатнинг қонуний эканлигини назарий жиҳатдан асослаб берган ва бундай давлатни амалда тузишни Германия келажаги учун ҳавола этилган.

Ҳуқуқий давлат тўғрисидаги таълимот - уни ишлаб чиқиш XIX аср немис олимлари К.Т.Велькер, Р.фон Мол, О.Бэр, Р.фон Гнайст ва бошқалар¹ томонидан давом эттирилган ва XVIII - XIX асрлардаги герман мутлоқ ёки ярим мутлоқ монархияларининг шароитларида ижтимоий тараққиётга хизмат қилган.

И.Кант вакиллик органи ташкилоти талабларининг, шахснинг хусусий ва сиёсий эркинлигини, суд маслаҳатчилари иштирокида бўладиган суд мажлисларини таъминлашнинг ҳамда крепостнойликни бекор қилишнинг ҳаққоний эканлигини фалсафий фикр ва мулоҳазаларнинг академик формулалари билан пардалаб, ўз низом ва қоидаларини мантиқий фалсафий тизимда баён қилиш орқали исботлаб берган.

Кант назариясининг Германия талаб-эҳтиёжларига бундай тарзда мос келиши - у бу эҳтиёжларни 1789-1794 йилларда Франция инқилоби туфайли қондира олган, И.Кант фалсафасини “Француз инқилобининг немисча назарияси”² деб атаган К.Маркс тавсифига асос бўлиб хизмат қилган бўлса, ажаб эмас.

“Ҳар бир давлатда учта ҳокимият, яъни, умуман уч қиёфанинг (trias politica) бирлашган ифодаси мавжуд: қонун чиқарувчи номидан олий ҳокимият (суверенитет), (қонунга мувофиқ идора қилувчи) ҳоким номидан ижро ҳокимияти ва (ҳар кимга қонунга мувофиқ ўзига яраша ҳукм чиқарувчи) судья номидан суд ҳокимияти...”³.

Илк либерализм идеологи сифатида, И.Кант давлат фаолиятини шахснинг индивидуал эркинлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратган. Давлат

¹ Нерсеянц В.С. История идей правовой государственности. - М. 1993. Стр. 12.

² Маркс К., Энгельс Ф. Соч., 2-е изд. Т. 1. С. 88.

³ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 6. - М. 1966. Стр. 298.

фаровонлиги деганда, Конституциянинг ҳуқуқий асослари билан ўта мувофиқлик ҳолатини англамоқ лозим, ақл-идрок ҳам қатъий императив ёрдамида унга интилишни зиммамизга юклайди. Кант фуқаролар бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш давлат ҳокимияти вазифасига кирмайди, деб ҳисоблаган. Шу нуқтаи назардан давлатда уч ҳокимият-қонунлар чиқариш (парламент), уларнинг ижроси (ҳукумат) ва муҳофазаси (суд) бўйича органлар мавжуд эканини кўрсатиб ўтган. Унингча, ҳокимиятнинг бўлиниш ва субординация (қуйининг юқорига бўйсунishi) тизими давлат ташкилотининг идеали сифатида хизмат қилади.

II БОБ. И.КАНТНИНГ ТИНЧЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ФАЛСАФИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТИ

2.01. И.Кантнинг халқаро ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлари

И.Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий меросида халқаро ҳуқуқ масаласи унинг бошқа қарашларидан ҳеч бир қолишмайдиган даражада мустақил ва ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Халқаро ҳуқуқ муаммолари моҳияти ва унинг асосий институтлари муҳокамасига И.Кантнинг асосан, икки асари: “*Урф-одатлар метафизикаси*”нинг биринчи қисми ҳамда “*Абадий тинчлик сари*” китоби бағишланган.

Халқаро ҳуқуқни Кантча тушунишнинг моҳиятини тўғри ва чуқур англаш учун И.Кант даврига хос бўлган халқаро ҳуқуққа оид асосий мактабларни таърифлаб ўтиш зарур.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида халқаро ҳуқуқ **фани** соҳасида қуйидаги уч асосий мактаблар шаклланган:

- *биринчиси*, унга замонавий халқаро ҳуқуқ отаси, голландиялик юрист Г.Гроций асос солган бўлиб, “табиий ҳуқуқ мактабининг фалсафий ғояларини позитив халқаро-ҳуқуқий амалиётни ўрганиш билан бирга кўшиб олиб бориш”га интилган¹;

- *иккинчиси*, Т.Гоббс ва Б.Спиноза томонидан тақдим этилган, халқаро ҳуқуқда “табиий ҳуқуқ соҳасини кўрган ва уни юридик эмас, балки кўпроқ фалсафий фан деб ҳисоблаган”²;

- *учинчиси*, позитив, аксинча, фалсафага мурожаат қилиш заруратини рад этган: унинг вакиллари халқаро ҳуқуқ вазифасини давлатлараро битимлар ва бошқа манбаларни ўрганиш, тизимлаштириш ва мантиқий таҳлилда деб билган.

Кўриниб турибдики, иккинчи йўналишдаги қарашлар И.Кантга ҳаммасидан ҳам кўра яқинроқ бўлган, бироқ уни табиий ҳуқуқ мактабининг классик вакили деб ҳисоблаш нотўғри бўлар эди.

И.Кант халқаро ҳуқуқ предметиға қуйидагича таъриф берган:

“Давлатларнинг бир-бирига бўлган муносабатидаги, халқаро ҳуқуқ деб унчалик ҳам тўғри номланмайдиган ҳуқуқи, - у кўпроқ, давлатлараро ҳуқуқ деб аталиши лозим эди... Бу шундай ҳуқуқки..., ахлоқий шахс сифатида қараладиган бир давлат, бошқа бир давлатга нисбатан, табиий эркинлик ҳолатида, бинобарин, доимий уруш ҳолатида ҳам, ўз олдига қисман уруш ҳуқуқини, қисман вақтинча уруш ҳуқуқини, қисман... урушдан сўнгги ҳуқуқни жорий этишни вазифа қилиб қўяди”³.

Бундан кўриниб турибдики, у халқаро ҳуқуқ асосини табиий ҳуқуқда деб билиб, уни расмий-юримдик қоидалар йиғиндиси сифатида таърифлаган. Халқаро ҳуқуқ фанига И.Кант, шунингдек, айрим шахсларнинг чет давлатларга бўлган муносабатини ва турли давлатларнинг фуқароларига хос бўлган муносабатларни ҳам киритган.

Ҳуқуқ даражалари (ёки, ўзи айтмоқчи, ҳолатлари) тўғрисида мулоҳаза юритар экан, И.Кант ҳуқуқий ривожланиш давлат ёки давлатлараро (халқаро) ҳуқуқ билан чекланмайди, дея эътироф этган. Унинг фикрича, “модомики, ер чексиз эмас, балки ёпиқ сирт, юзадан иборат экан, давлат ва халқаро ҳуқуқ муқаррар тарзда халқлар давлат ҳуқуқи ёки дунё фуқароси ҳуқуқи ғоясига олиб келади; шунинг учун агар ҳуқуқий ҳолатнинг ушбу учала бўлиши мумкин бўлган шаклларида лоақал биттаси ташқи эркинликни қонунлар билан чеклайдиган тамойилда етишмайдиган бўлса, қолган барча шакллар биносига муқаррар равишда путур етиб, охир-оқибат қулаб тушади”¹.

И.Кантнинг космополитик ҳуқуқ ғояси унинг инсониятнинг сиёсий-ҳуқуқий тараққиёти истиқболлари тўғрисидаги тасаввурлари билан чамбарчас боғлиқдир.

И.Кант ўзининг “Умумжаҳон фуқаролик нуқтаи назарида умумий тарих ғояси” асарида давлат ички тузилишининг ташқи дунё билан бўлган мустаҳкам алоқасига алоҳида тўхталиб ўтган. Бир давлат бошқа давлатлардан ажралган ҳолда мавжуд бўлолмайди. Давлат ичида уни ўраб турган атроф-муҳит, оламга бевосита қарама-қарши бўлган қандайдир бир

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. - М. 1965. Стр. 231-232.

нима яратиш мумкин эмас, бу нари борса, жудаям омонат нарса бўлиши мумкин. Шу жумладан, бир вақтнинг ўзида (давлатлараро) алоқалар тизимини такомиллаштирмай туриб, мукаммал давлат ҳам қуриб бўлмайди.

“Мукаммал давлат тузуми барпо этиш муаммоси, - деб ёзган эди Кант, - давлатлар ўртасида қонунга мувофиқ равишда ташқи алоқалар ўрнатиш масаласига боғлиқ ва бусиз уни ҳал этиб бўлмайди”¹. Номукаммал жамиятда айрим одамларнинг турмушини ҳам, деган эди Кант, барча давлатларнинг, умуман, инсоният турмуши такомиллаштирилмас экан, айрим давлатларнинг ҳаётини ҳам мукаммал қилиш мумкин эмас.

И.Кант илгариги ва ўзига замондош барча давлатлар табиий ҳолатда бўлган ва бунга уларнинг бир-бири билан доимий урушлари хос эди, деб ўйлаган. Шунинг учун халқаро ҳуқуқда “уруш ҳуқуқи”, “уруш пайтидаги ҳуқуқ”, “урушдан кейинги ҳуқуқ”, “тинчлик ҳуқуқи”, “адолатсиз душманга нисбатан ҳуқуқ” сингари тушунчалар муҳим ўрин эгаллайди.

И.Кант фикр-мулоҳазаларида шу нарса жуда муҳимки, халқаро ҳуқуққа таъриф бераётиб, у уруш тушунчасидан узоқлашади ва шу билан бирга унинг мазмунини истисно тариқасида уни олиб бориш ҳуқуқига тааллуқли деб ҳисобламаган. Яна шуни ҳам қайд этиш керакки, давлатлараро алоқаларнинг мана шу соҳаси унинг асарларидан кенг ўрин олган. Шу маънода И.Кант уруш турлари, уларнинг қонун ва урф-одатлари, шунингдек, олиб бориш асослари тўғрисида бир бутун, яхлит таълимотни ишлаб чиққан.

И.Кант фикрича, “уруш-давлатлар ўртасидаги алоқаларда ҳуқуқни амалга оширишнинг бирдан-бир, ягона йўлидир. Бунинг устига, уруш маълум маънода ижтимоий тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади, чунки у антагонизмнинг ташқи ифодасидир”². Шу билан бирга у, урушларга аста-секин, инсониятнинг илғор тараққиётига мувофиқ равишда барҳам берилиши лозим, деб ўйлаган.

И.Кант Ватан ҳимояси, янги миллий давлатчилик ва етказилган зарарни

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 6. - М. 1966. Стр. 15.

² Фельдман Д.И., Баскин Ю.А. Учение Канта и Гегеля о международном праве и современность. Казань, 1977. Стр. 17.

коплашга қаратилган қуролли тўқнашувларни адолатли урушлар, деб атаган. Халқаро муносабатларда барча давлатларнинг суверен ва тенг ҳуқуқли эканлигидан келиб чиқиб, И.Кант бошқа халқларнинг ҳудудларини босиб олиш ёки мустамлакачилик асоратини кўзлаб олиб бориладиган жазоловчи ҳамда қирғинбарот урушларни адолатсиз, шунинг учун бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, давлат ўз чегараларини мазкур ҳудудда азалдан яшаб келаётган халқларнинг манфаатлари бузилмаган тақдирдагина кенгайтириши мумкин бўлади. Бунда ушбу ғоялар Кантча қатъий императивга асосланади. И.Кант “кимнинг оммавий тарзда (хоҳ ишда, хоҳ сўзда бўлсин) баён этилган иродасига мувофиқ халқлар ўртасида тинчлик ҳолати мумкин бўлмай, табиий ҳолат абадий лаштирилиши лозим бўлса, у душман адолатсиз ҳисобланади”¹, деб таъкидлаган.

Шунингдек, И.Кантнинг уруш олиб бориш қоидалари ва урф-одатларига доир қарашлари ҳам диққатга сазовордир. Модомики, урушни фуқаролар эмас, балки давлатлар олиб бораётган экан, у халқларнинг ва айрим фуқароларнинг мол-мулкни талаш ва ўзиники қилиб олиш ҳаракатларига қатъий қарши чиққан. Бунда у фақат мусодара қилинган мол-мулк ҳақини кейин мажбурий тарзда қайтариш шарти билан конгривуцион йиғимларга йўл қўйиш мумкин, деб ҳисоблаган. И.Кант, шунингдек, урушларни олиб боришда “келажакда мустақкам тинчлик ўрнатиш учун талаб этиладиган ишончга путур етказиши мумкин бўлган маккорона усуллардан фойдаланиш мумкин эмас” эканлигини қатъий туриб талаб қилган².

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, давлатлар ўртасидаги муносабатлар жараёнида абадий тинчлик ўрнатиш муаммоси И.Кант учун халқаро ҳуқуқнинг асосий масаласи сифатида аҳамият касб этган. Бу ғоя қадимги дунё давридан бошлаб, И.Кантгача ҳам неча-неча асрлар илгариёқ яхши маълум бўлган ва башарият даҳоларини ҳамиша ҳаяжонга солиб,

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. - М. 1965. Стр. 277.

² Ўша жойда 275 - бет.

тўлқинлантириб келган. Жабр-зулм қилмаслик, урушларни қоралаш ғоялари Қадимги Хиндистондаги илк жайнизм ва буддизм, қадимги Хитойдаги даосизм учун характерли бўлган, қадимги Римдаги илк насронийликка ёт бўлмаган.

Азоб-укубатлар, кулфат ва мусибатлар сабабчиси бўлмиш урушларни лаънатлаш, шунингдек, идеал тинчлик ғоялари Шарқнинг ўрта асрлардаги улуғ мутафаккирлари ижодида ҳам учрайди. Ушбу ғоялар “иккинчи устоз”, Шарқнинг буюк мутафаккири Абу Наср Форобий, озарбайжонлик инсонпарвар “тинчлик куйчиси” Низомий Ганжавий томонидан ривожлантирилган¹.

Бироқ абадий тинчлик ғояси XVI-XVII асрларда кенг тараққий этган. Мазкур босқичда абадий тинчлик ғояси “анархия ва феодал урушлар зулмига қарши курашда буржуазиянинг манфаатларини ақс эттирган. Бунда, олдинги асрлардагидан фарқли ўлароқ, у ягона оламшумул монархия ғояси билан эмас, балки унинг мустақиллиги ва айрим миллий давлатлар суверенитети билан тобора боғлиқ бўлиб боради”².

Абадий тинчликни амалда ўрнатиш йўллари тўғрисидаги таклифлар И.Кант замондошлари - де Сен-Пьер (1658-1743) ва Ж.Ж.Руссо (1712-1778) асарларида батафсил ва тўлиқ баён этилган. Ш.И. де Сен-Пьер урушларга чек қўйиш учун одамларга онг-билим бериш ва уларнинг урф-одатларини ўзгартиришдан ташқари, барча монархлар ўртасида иттифоқ ва ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома тузиш зарур, деб ҳисоблаган. Унинг асосида яратилган конфедератив тузилма асосан, яраштирувчи ва ҳакамлик функцияларини бажарувчи доимий ҳаракатдаги вакиллик органига эга бўлмоғи лозим. Лекин де Сен-Пьер, шунингдек, уларнинг умуммажбурий қонунлар чиқаришларига ва улар бузилган тақдирда санкциялар қўлланишига розилик билдирган³.

де Сен-Пьер лойиҳаси Ж.Ж.Руссо томонидан “Абадий тинчлик тўғрисида мулоҳаза” асарида юқори баҳоланган. Шу билан бирга, Ж.Ж.Руссо

¹ Таукелев А. Саперғалиев ПС. Государственно-правовые взгляды аль-Фараби. Алма-ата, 1975. Стр. 54-55.

² Баскин Ю. Кант. - М. 1984. Стр. 51.

³ Андреева И. Вековая мечта человечества // Трактаты о вечном мире. - М. 1963. Стр. 13-38.

хукмдорнинг шу хилдаги шартномани тузишга хайрихоҳлиги баён этилган қисмига фикр билдириб, уни ўта хомхаёл деб ҳисоблаган. Монархия тузумларини ағдариб, гарчи бир қатор жиддий шартлар билан бўлса ҳам, ягона Европа республикасини тузишни бунинг чораси деб билган¹.

И.Кант абадий тинчлик ўрнатиш муаммосининг ҳал этилишини ҳар бир шахс ҳамда бутун кишилик жамиятининг энг асосий мақсади, деб ҳисоблаган. “Ҳеч қандай уруш бўлмаслиги лозим, - деб ёзган эди у, - на сен билан менинг ўртамизда табиий ҳолатда, на давлатлар сингари орамизда ҳам... ҳеч қандай уруш бўлмаслиги лозим. Айтиш мумкинки, - давом этади Кант, - умумий ва доимий тинчлик ўрнатиш ҳуқуқи тўғрисидаги таълимотнинг шунчаки бир қисмини эмас, балки унинг бутун пировард мақсадини ташкил этади... Тинчлик ҳолати, ахир бу-бир-бири билан ёнма-ён яшаётган кўплаб одамлар орасидаги мен билан сенинг қонунлар томонидан кафолатланган бирдан-бир, ягона ҳолатимиз...”².

И.Кант ўзининг “Ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотнинг метафизик асослари” номли асарида давлатлар ўргасидаги уруш ҳолати-ноҳуқуқий тартиботлар ҳодисаси эканини қайд этиб ўтган. У “уруш орқасида эришиладиган ва кўриқланадиган халқларнинг ҳар қандай ҳуқуқи ва менинг ва сенинг бутун ташқи давлатимиз вақтинчалик, фақат давлатларнинг умумий иттифоқидагина бу ҳуқуқ батамом ҳақиқий ва чинакам тинчлик ҳолати бўла олади”³ деб чуқур ишонган. Мазкур ғояни ёқлар экан, И.Кант давлатнинг бетарафлиги ва бошқаларнинг ишларига аралашмаслик қоидаларини ҳарбий ҳаракатларда тенг ҳуқуқлилиқ ва тўлиқ қатнашмаслик принциплари сифатида маъқуллаган ва ҳимоя қилган.

И.Кант абадий тинчликка биргина ёки бир неча давлатларнинг саъй-ҳаракатлари билан эришиб бўлмаслигини, халқаро алоқаларнинг бўлинмаслигини, танг вазиятлардан чиқишнинг коллектив ноҳарбий чоратadbирларини ишлаб чиқиш ва назорат органлари тузишнинг зарурлигини

¹ Руссо Ж.Ж. Суждение о вечном мире // Трактаты о вечном мире / Сост. И.С. Андреева, А.В. Гулыга. - М. 1963.

² Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. - М. 1965. Стр. 282.

³ Ўша жойда 277-278 бет.

яхши англаган. Давлатларнинг “бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ички ва ташқи хужумлардан биргаликда ҳимояланиш учун” бирлашиш ҳуқуқи тўғрисидаги И.Кант фикр-мулоҳазалари шу ғоя тимсоли эди. Ана шундай бирлашма (иттифоқ) нинг эҳтимол тутилган шакли сифатида у конфедератив асосга эга ва барча хоҳловчилар кириши мумкин бўлган “давлатларнинг доимий конгресси” ни назарда тутган. “Фақат ана шундай конгресс ёрдамида,-деб уқтирган эди Кант,-халқларнинг ўзаро баҳс-тортишувларини қандайдир ваҳшиёна (ёввойиларга хос) йўл-урушлар билан эмас, балки маданиятли халқларга муносиб равишда суд йўли билан ҳал этишнинг оммавий ҳуқуқини яратиш ғоясини амалга ошириш мумкин бўлади”¹.

Зўрма-зўраки, мажбурий бўлмаган ҳолда тинчлик ўрнатиш тартибининг истиқболдаги асосларини ишлаб чиқар экан, И.Кант уни амалга ошириш имкониятларига хийла эҳтиёткорлик билан ёндашган. Унинг фикрича, халқларнинг ягона бирлашган давлат чегараларининг кенгайиши билан уни бошқариш ва унинг ҳар бир айрим аъзосини ҳимоя қилишнинг аста-секин иложи бўлмай қолади ва бу яна уруш ҳолатига олиб келади. Шунинг учун у “Ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотнинг метафизик асослари”да юқорида таърифлаб ўтилган сиёсий тамойиллар “абადий тинчлик ҳолатига доимий равишда яқинлашиш” учун хизмат қилиши, бир вақтнинг ўзида, унга эришиш вазифасининг “албатта, амалга ошириб бўлмайдиган ғоя”² эканини ҳам эълон қилиши лозимлигини кўрсатиб ўтиш билан чекланган.

И.Кантнинг “Абадий тинчлик сари” номли классик асарида эса давлатлар ўртасидаги мустаҳкам яхши кўшничилик муносабатларини ўрнатиш мумкинлигига бутунлай бошқача фикр билдирилган. Бу асарда у бунга нафақат шак-шубҳа билдирмаган, балки биринчи марта “тинчлик ўрнатишга олиб борадиган объектив қонуниятнинг, халқлар иттифоқини тинч йўл билан тузишнинг муқаррарлиги”³ тўғрисидаги гипотеза (илмий фараз) ни ҳам илгари сурган. Бундай оптимистик хулосага И.Кант “лозимлилик (қатъий

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. - М. 1965. Стр. 279.

² Ўша жойда 278 - бет.

³ Андреева И.С. Проблема мира в западноевропейской философии. - М. 1975. Стр. 237- 238.

императив) ва ҳақиқийликнинг ўзаро муносабати (уруш ва тинчликнинг, давлатлар ўртасидаги табиий ва ҳуқуқий ҳолатнинг ҳақиқий ўзаро муносабати) ни ўрганиш асосида келган... Лозимлилик, ҳақиқийликка айланмай туриб, унга регулятив таъсир кўрсатади, у эса лозимлилик белгиси остида тобора... ривожланиб, унга қўшилмасдан, аммо унинг талабларига янада яқинлашиб бораверади”¹.

Қисқача қилиб айтганда, И.Кант фикр-мулоҳазаларининг асосий моҳияти қуйидагилардан иборат. Азалдан инсон онгига хос бўлган ахлоқий қонун кишиларни доимо ўз-ўзини ўстириш, камолга етказишга интилиш ва қатъий императив мақсадларига эришишга ундайди. Шу билан бир қаторда, инсон табиатининг зиддиятчилиги сабаб унга, шунингдек, субъектив характернинг худбинлик, таъма, ғараз ва шунга ўхшаш бошқа салбий кўринишлари ҳам хосдир. Кишилик жамиятининг тараққиётига мувофик равишда бу қарама-қаршилиқлар аста-секин ўз ечимини топади. Ушбу жараён объектив бўлиб, табиатнинг умумий қонунлари билан аниқланган².

И.Кантнинг фикрига кўра, одамларнинг планетар бирлик асосларидан бири - инсониятнинг ер юзига эгаллик қилиш умумий ҳуқуқидир. Унинг уқтиришича, “ер шари юзасида одамлар чексиз-поёнсиз даражада жойлаша олмайдилар ва шунинг учун ҳам бошқаларнинг қўшничилигига чидашлари лозим. Аввал бошдан ҳеч ким ернинг муайян нуқтасида яшаш учун бошқа бировларга қараганда кўпроқ ҳуқуққа эга эмас”³.

“Барча кишилар бутун ер шарига ибтидодан бошлаб, шу ердан фойдаланиш учун ўзларига хос бўлган табиий ирода билан биргаликда эгаллик қилиб келадилар...”⁴.

Кишиларнинг сайёрага, унинг юзаси, Ер юзидаги барча халқларнинг бирлиги, умумийлигига нисбатан ҳуқуқий тенглик ғояси, Кант фикрича, истисносиз ҳуқуқий принцип ҳисобланади ва дунё фуқаролик ҳуқуқи асосида

¹ Фельдман Д.И., Баскин Ю.А. Учение Канта и Гегеля о международном праве и современность. Казань, 1977. Стр. 24.

² Баскин Ю.Я. Кант. - М. 1984. Стр. 53-54.

³ Ўша жойда 276 - бет.

⁴ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч. 2. - М. 1965. Стр. 180.

ётади.

Шундай қилиб, И.Кант қуйидаги хулосага келган: “Табиат айнан шундай йўл, инсон майл-иштиёқларининг худди шундай тутум-тузилиши билан абадий тинчликни, унинг бошланиш вақтини (назарий жиҳатдан) олдиндан айтиб бериш учун, бироқ шунга қарамай, амалий жиҳатдан эришиш мумкин бўлган ва мана шу (у қадар хаёлий бўлмаган) мақсадни эгаллашни зиммамизга юклайдиган, лекин албатта, кифоя қилмайдиган ишончлилиқ билан кафолатлайди”¹.

У урушларнинг ҳеч қачон ўз-ўзидан барҳам топмаслигини яхши тушунган. Унга мансуб бўлган диалектиканинг теранлиги шунда эдики, кишилиқ жамияти тараққиётининг дунёда зўрма-зўраки, мажбурий бўлмаган муносабатларга муқаррар тарзда олиб борадиган умумий қонун-қоидаларини асослаб берар экан, у бир вақтнинг ўзида одамларни “табиатга ёрдам беришга”, ўз саъй - ҳаракатлари билан тинчлик ўрнатиш тартибининг мустаҳкам биносини барпо этишга чақирган. Шунинг учун ҳам И.Кант ўзининг абадий тинчликка эришиш режасини илгари сурган. Мазкур режанинг кўплаб қоидалари ХХІ аср бошланишидаги глобаллашув шароитида ииҳоятда долзарблиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

¹ Ўша жойда 288 - бет.

2.02. И.Кантнинг абадий тинчлик тўғрисидаги фалсафий-ҳуқуқий ғоялари

Инсоният келажаги ҳақидаги тасаввурлар И.Кантни ҳамиша қизиқтириб келган ва унинг “Абадий тинчлик сари” номли асари бошқа асарларида, айниқса, “Умумжаҳон фуқаролик нуқтаи назарида умумий тарих ғояси” да ўз ифодасини топган ғоялардан келиб чиққан.

Давлатлар ўртасида абадий тинчлик ўрнатиш учун Кант халқаро ҳуқуқнинг олти принципини қисқача баён қилиб берган¹.

Биринчи принцип: “Агар тузилаётганда бўлғуси урушга доир асос махфий сақланаётган бўлса, биронта ҳам тинчлик шартномаси ҳақиқий деб ҳисобланмаслиги лозим”².

Тинчлик шартномаси нафақат яқин, балки узок келажакда ҳам тинчликка эришишни кўзда тутиши, тузилаётган пайтда ёки тузилгандан сўнгги уруш сабабларини бартараф этиши, кейинги урушларнинг манбаларини олдиндан кўра билиш ва уларни ўчиришга интилиши лозим. Шартномалар тинчлик учун мўлжалланиши, бўлиши мумкин бўлган барча ахборотлар, шунингдек, давлатларнинг архивларидан қидириб топиш мумкин бўлган маълумотлар ва далилларни ҳам ҳисобга олмағи лозим.

Иккинчи принцип: давлатлар тенглиги ва мустақиллигини тан олиш.

“Биронта ҳам мустақил давлат (каттами, кичикми - бундан қатъи назар) бошқа бир давлат томонидан на мерос қилиб, на айирбошлаш, на сотиб олиш ва на **ҳадя** қилиш йўли билан эгаллаб олинмаслиги лозим”³.

Барча давлатлар бир-бирига ўзаро ҳурмат кўрсатишлари лозим. И.Кант фикрича, монарх ҳам давлатга юқорида айтилган йўл билан хўжайинлик қилишга ҳақли эмас, чунки бу ижтимоий шартномага зиддир. Давлатга монарх эмас, бошқарувни амалга ошириш учун давлат монархга эга бўлади.

¹ Ударцев С.Ф. Политические и правовые идеи Иммануила Канта. Алматы, 2004. Стр. 29-40.

² Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 6. - М. 1966. Стр. 260.

³ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 6. М., 1966. Стр. 260.

Учинчи принцип: инсоният қуролсизланишнинг объектив зарурият эканини тан олмағи лозим.

“Доимий армиялар (miles perpetuus) вақти келиб, бутунлай йўқ бўлмоғи лозим”¹. Қуролланиш пойгаси, давлатлар томонидан тўпланган қурол-яроғ ўз-ўзидан янги урушлар манбаига айланади. Давлатларнинг ҳарбий харажатлари тинчлик даврида оғир юк бўлади. Бундан ташқари, И.Кант фикрича, давлат ҳарбий ҳаракатлар иайтида одамлардан бир-бирини ўлдиришда фойдаланиб, уларни шунчаки машина ёки қуролга айлантиради, бу эса “инсон ҳуқуқларига зиддир”. И.Кант фикрига кўра, агар бу ҳарбий тайёргарлик ва унда қатнашиш ихтиёрий бўлиб, халқнинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш маҳорати ҳамда ҳозирлиги бўлса, бошқа гап. Давлатлар бундай ҳарбий тайёргарликни жанговарликни сақлаш ва ўз-ўзини ҳимоя қилишга ҳозирлик учун олиб боришлари мумкин. Бироқ аслида, барча мамлакатлар доимий армияларини тарқатиб юбориш хусусида ўзаро келишиб олишлари лозим.

Тўртинчи принцип: “Давлат қарзлари ташқи сиёсий ишлар учун фойдаланилмаслиги лозим”.

И.Кант кредитлар, давлат заёмлари иқтисодиётни ривожлантириш, давлат озиқ-овқат захираларини яратиш ва ҳоказо мақсадларни кўзлаб олиниши мумкин, деб уқтирган ва амалда бу ўз исботини топган. XVIII асрдаёқ кредит тизими билан урушлар ўртасида мустаҳкам алоқа вужудга келган. Ташқи ва ички қарздорлик “уруш фонди (жамғармаси)” га айланиши мумкин. Бу эса ўз-ўзидан тинчлик йўлига ғов бўлади. Бундан ташқари, давлат молиявий-кредит тизимининг банкрот бўлиши халқаро миқёсда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бешинчи принцип: “Биронта давлат бошқа давлатларнинг сиёсий тузумига ва бошқарув ишларига зўрлик билан аралашмаслиги лозим”².

Модомики, барча давлатлар мустакил ва бир-бирига қарам эмас экан,

¹ Ўша жойда 261- бет.

² Ўша жойда 262 - бет.

аралашмаслик тамойили, барча бошқа принципларни эътироф этган ҳолда, инсониятнинг абадий тинчликка келиш атрибути ҳисобланади. И.Кант тарихий тараққиёт давомида турли хил мураккаб вазиятларнинг келиб чиқиши, масалан, бир давлат бир неча давлатларга булиниб, парчаланиб кетиш эҳгимолини ҳам назарда тутган. Бундай ҳолларда ҳар хил, хусусан, ваколат ва ҳоказоларни қайтадан тақсимлаш билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Шундай вазиятларда қайсидир давлатга жаҳон ҳамжамияти ёки бошқа баъзи мамлакатлар томонидан кўрсатиладиган ёрдам уларнинг ички ишларига аралашуш деб қаралмаслиги ва бу ёрдамнинг ўзи ҳам аралашушга ўхшаб кетмаслиги лозим. Бундай ёрдам, энг аввало, тартибсизликлар ҳамда мушкул, танг вазиятларнинг салбий оқибатларини ёки бошқа мамлакатлар учун номатлуб бўлган шунга ўхшаш нохуш воқеа - ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган.

Олтинчи принцип: Биронта давлат бошқа бир давлат билан уруш пайтида келгусида тинчлик даврида ўзаро ишончни йўққа чиқарадиган ғаразли мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилмаслиги лозим.

И.Кантнинг фикрига кўра, ҳатто уруш пайтида ҳам тинчлик келажаги учун тузоқ қўйиш мумкин эмас. Урушлар, агар улардан инсонияг тараққиётининг маълум бир босқичига доғур ҳам қутулиб бўлмаса, бундай кескин вазиятлар учун жаҳон ҳамжамияти томонидан белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда олиб борилиши лозим.

“Уруш, - деб ёзган эди **И.Кант**, - (ҳукми қонун кучига эга ҳеч қандай суд инстанцияси бўлмаган) табиий ҳолатда ўз ҳуқуқларини куч билан қарор топтириш учун тутилган мажбурий йўлдир, унда томонларнинг ҳеч қайсисини ноҳақ деб айблаб бўлмайди (чунки бунинг учун суд қарори шарт) ва қайси томон ҳақ эканини (худди илоҳий судда бўлгани каби) фақат уруш натижаси кўрсатади”¹.

Инсониятнинг мангу мақсадлари ва урушларнинг ўткинчи характери

¹ Ўша жойда 263 - бет.

хақида унутмаслик керак, халқларнинг истикболига нифоқ солиб бўлмайди. Ҳаттоки шундай тарихий вазиятларда ҳам тинчлик келажаги учун иложи борича ҳамма ишни қилиш зарур. И.Кант, халқлар ва давлатлар ҳаддан ташқари шафқатсизлик ва маккорликларга йўл қўймасликлари лозим, деб ҳисоблаган. Шармандали ҳарбий айёрликларга, ҳатто уруш шароитларида ҳам барҳам берилиши лозим. Айниқса, давлатни, душман мамлакатнинг бутун халқини йўқ қилишга қаратилган қирғинбарот-жазолловчи урушга асло йўл қўйиб бўлмайди. Бундай уруш, деб ёзган эди Кант, бир-бирига душман томонларнинг, “улар билан бирга ҳар қандай ҳуқуқнинг ҳам йўқ қилинишига, фақат инсониятнинг улкан қабристонидagi абадий тинчликка олиб келган бўлар эди”¹. Унинг фикрича, қирғинбарот урушлар қатъиян ман этилиши лозим.

И.Кант “Абадий тинчлик сари” асарининг биринчи қисмидаги дастлабки мақолаларда баён қилинган қонунларни икки асосий гуруҳга бўлган. **Биринчи гуруҳни** ташкил этган қоидалар қатъий бўлиб, ҳар қандай шароитда ҳам дарҳол ижро этилишга муҳтож. Масалан, дастлабки олтинчи мақолада бундай дейилган: “биронта давлат бошқа бир давлат билан уруш пайтида келгуси тинчлик ҳолатида ўзаро ишончни йўққа чиқарадиган ғаразли мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилмаслиги лозим”². Бу ерда, хусусан, ёлланма аскарлардан, заҳарли моддалардан фойдаланиш, таслим бўлиш шартларининг бузилиши, хиёнат (хоинлик) назарда тутилган.

Урушнинг жамият табиий ҳолати учун аянчли, бироқ ўз ҳуқуқларини қарор топтиришнинг мажбурий воситаси эканини **эътироф этар экан, И.Кант, шунга қарамай, уни олиб боришнинг хунук ва шафқатсиз усулларидан воз кечишга чақирган, чунки бусиз абадий тинчликка эришиш мумкин эмас. Шу маънода И.Кант ғояси бизда катта қизиқиш туғдириши табиий, яъни “иккала томон ва улар билан бирга ҳар қандай ҳуқуқнинг ҳам йўқ қилиниши мумкин бўлган қирғинбарот уруш фақат**

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 6. - М. 1966. Стр. 264.

² Ўша жойда 263 - бет.

инсониятнинг улкан қабристонидаги абадий тинчликка олиб келган бўлар эди. Бас, шундай экан, бундай уруш, демак, унга олиб келадиган воситаларнинг қўлланилиши ҳам қатъиян ман этилиши лозим”¹.

Мажбурий бўлмаган тинчлик ўрнатиш тартиби асослари жанг майдонида эмас, балки тинчлик даврида яратилишини яхши англаган Кант қатъиян ман этилиши лозим бўлган ҳаракатлар қаторида, шунингдек, тинчлик шартномаларида бўлажак уруш асосларини махфий тарзда сақлаш ҳамда ҳар қандай давлатнинг ички ишларига аралашиб сиёсатини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтган.

“Биронта давлат бошқа давлатларнинг сиёсий тузумига ва бошқарув ишларига зўрлик билан аралашмаслиги лозим”². Бу билан у дунёдаги мавжуд мамлакатларнинг суверенитет ва тенглик принципининг ўзгармас эканлигини ҳамда уларнинг ички ва ташқи сиёсатига четдан қандай бўлмасин салбий таъсир ўтказишларнинг қонунга хилоф эканини яна бир бор таъкидлаган.

И.Кант доимий армияларни тугатиш, давлат қарзларидан ташқи сиёсий мақсадларда фойдаланиш ва бир давлат томонидан бошқа бирини қандай шаклда бўлмасин, эгаллаб олиниши мумкин эмаслиги масалаларини ижро нуқтаи назаридан кейинга суриш мумкин бўлган қонунлар қаторига киритган. Мазкур кейинга қолдиришнинг сабаби, унингча, қонун мақсадининг ўзини тугатишга интилиш эмас, балки, аксинча, мақсад билан унга етишиш воситалари ўртасидаги мувофиқликка эришишга бўлган уринишдир. Ушбу вазиятда И.Кант ҳақли равишда тадрижий чоратадбирларни афзал кўрган ва лаҳзалик, бироқ кам самара берадиган, муаммони хал этиш ўрнига уни чуқурлаштирадиган тадбирлардан воз кечган. Шу билан бирга, бундай кейинга суриш чексиз бўлиши мумкин эмаслигини ҳам таъкидлаган.

“Абадий тинчлик сари” асарининг иккинчи қисми батамом абадий тинчликни амалда барпо этиш, яъни давлат тузуми ва инсониятнинг

¹ Ўша жойда 264 - бет.

² Ўша жойда 262 - бет.

келажакдаги фуқаролик масалаларига бағишланган. И.Кантнинг асосий ғояси шундан иборат эдики, “давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг қонуний ҳолати ўз-ўзидан вужудга келмайди, бинобарин, тинчлик ҳолатини ўрнатиш лозим”¹. Бунда унинг кишилик жамиятини прогрессив тарзда тубдан ўзгартириш учун объективлик ва субъективликнинг бирлашиши заруриятини англайдиган чуқур диалектизми намоён бўлади.

“Халқаро ҳуқуқ озод давлатларнинг федерализмига асосланган бўлиши лозим”² - иккинчи охириги мақола мазмуни шундай. И.Кант халқлар ўз хавфсизликларининг тўлиқ кафолати ва ўзларига тегишли бўлган ҳуқуқларнинг амалга оширилиши учун эртами-кечми, бирлашишлари лозим, деб ҳисоблаган. Бироқ бундай бирлашув шакли давлатлар эмас, балки халқлар иттифоқи бўлмоғи лозим.

И.Кант ҳар қандай давлат тизимидаги муқаррар равишда юзага келадиган ҳокимият ва итоат қилиш муносабатларининг давлатлараро муносабатларда маъқул бўлавермаслигидан келиб чиқиб, бутунжаҳон давлати тушунчасига астойдил қарши чиққан. **У таклиф қилаётган иттифоқнинг “мақсади давлат ҳокимиятини эгаллаб олиш эмас, балки давлатнинг ўзи учун ва бир вақтнинг ўзида бошқа иттифоқдош давлатлар учун ҳам озодликни асраш ва таъминлашдан иборатдир”**³. Бундай федерация аста-секин барча давлатларни қамраб олиши ва шу тариқа абадий тинчликка олиб келиши лозим.

Халқлар иттифоқи битта давлат эмас, балки мустақил ва бир - бирига тенг бўлган кўплаб давлатлар иттифоқи бўлмоғи лозим. Бундай шароитда инсоният янги умумжаҳон мураккаб таркибли сиёсий бирликка уюшиш тўғрисида ўзаро шартнома тузадиган жуда кўп давлатлар - федерация субъектлари қиёфасида намоён бўлмоғи лозим. Иттифоқ мақсади - уни ташкил этувчи давлатлар озодлигини асраш ва тинчликни сақлашдир. И.Кант умумжаҳон федерациясининг тузилишини дунёнинг турли чеккаларидаги,

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 6. - М. 1966. Стр. 266.

² Ўша жойда 271 - бет.

³ Ўша жойда 274 - бет.

худди оролчалар шаклидаги мавжуд узоқ давом этадиган жараён деб фараз қилган. Шу маънода И.Кант Европа бирлашув ғоясининг асосчиси ҳисобланади. Дунё тизимидаги бу оролчалар кейинчалик кенгайиб, секин-аста барча давлатларни қамраб олиши лозим.

И.Кант бундай умумжаҳон бирлашмасининг маркази, ўзига хос тортишиш маркази қандайдир кучли давлат, қандайдир федератив республика бўлиши, бирлашув жараёни унинг теварагида бошланиши мумкин, деб тасаввур қилган.

И.Кантнинг “Абадий тинчлик сари” асарининг иккинчи қисмидаги сўнги қоидалар умумжаҳон фуқаролик ҳуқуқига бағишланган. Бунда у халқлар ўртасидаги муносабатларни кенгайтириш мақсадида ҳар бир чет элликнинг ҳар қандай мамлакатда ўзига нисбатан мавжуд қонун-қоидага мувофиқ ва дўстона муносабат ҳуқуқини тушунган. Ер юзи ҳуқуқи умуман бутун инсониятга тегишлидир. Шунинг учун бошқаларнинг худудини босиб олиш ҳам, денгизда кема юритиш, савдо ва ҳоказо ишларга тўсқинлик қилиш ҳам бирдек қонунга хилоф ҳисобланади.

И.Кант фикрига кўра, барча давлатлар умумжаҳон фуқаролик ҳуқуқини тан олиш хусусида ўзаро келишиб олишлари лозим. Бу айрим давлатларнинг фуқаролик ҳуқуқи бекор қилинади, дегани эмас. Умумжаҳон фуқаролик ҳуқуқини у сайёрамизнинг барча аҳолиси учун бутун дунёга оид меҳмондўстлик принципи деб тушунган. Ҳар бир одам ўз давлати фуқароси бўлиш билан бирга, умумжаҳон федерациясининг фуқароси ҳамдир.

И.Кант ўзига хос иккиёқлама вертикал фуқароликни эътироф этган: ҳар бир киши катта ё кичик сиёсий тизим фуқароси бўлиши мумкин. **Натижада барча одамлар ер юзи бўйлаб бемалол саёҳат қилишлари, унинг исталган нуқтасида яшаб, барча мамлакатларда, инсониятнинг улкан уйида хайрихоҳ ва самимий муҳит оғушида бўлишлари мумкин.** Кант фикрича, бу ҳуқуқ асоси-инсониятнинг Ер сайёраси сиртига эгалик қилиш табиий умумий ҳуқуқининг, башарият ер юзи ҳуқуқининг юқорида тилга олинган эътирофи ҳисобланади.

Албатта, И.Кант ер юзида умумжаҳон фуқаролик тузумининг вужудга келиши узоқ давом этадиган тарихий тараққиёт натижаси бўлиши мумкинлиги хусусида мулоҳаза юритган ва инсоният бу борада анчагина йўлни босиб ўтганини ҳам қайд этган.

Абадий тинчликни барпо этиш йўллари ва имкониятлари, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг мазкур жараёндаги роли тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларига яқун ясар экан, И.Кант мажбурий бўлмаган тинчлик ўрнатиш тартиби “қуруқ ғоя эмас, балки ҳал қилинадиган ва ...амалга ошишига тобора яқинлашиб бораётган вазифа” эканини таъкидлаган.

И.Кантнинг инсоният интеграциялашуви шакллари тўғрисидаги ғоялари сўнгги бир ярим асрлик давр мобайнида шаклланиб келаётган халқаро институтлар ва ташкилотлардан илгари яратилган. Бу-ХІХ асрнинг иккинчи ярмидаги Тинчлик ва озодлик Лигаси бўлиб, у ўзига хос халқаро съезд, конференциядан иборат бўлган ва тараққийпарвар инсониятнинг тинчлик, озодлик ва демократияни қарор топтиришга бўлган саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи ташкилот мақомига даъво қилган. Бу ташкилот ХХ аср бошидаги Миллатлар Лигасидан олдин, у эса, ўз навбатида, албатта, башариятнинг ягона планетар сиёсий ва ҳуқуқий тизимга интеграциялашуви жараёнини ҳали охирига етказолмаган бугунги БМТ дан илгари бўлган.

И.Кант ўзининг “Абадий тинчлик сари” асарида, хусусан, кўп сонли замонавий универсал ва минтақавий халқаро ташкилотларнинг вужудга келиши ва ривожланишида намоён бўлган дунё сиёсий ва ҳуқуқий тараққиёт тенденциясини олдиндан кўра билган.

И.Кантнинг уқтиришича, инсоний муносабатлар табиати ҳамда жамиятнинг тузилиш тамойиллари абадий тинчлик ғояларининг рўёбга чиқишига умид боғлашга изн беради. Бир вақтнинг ўзида у давлатларга, келажак давр халқлари ва ҳукмдорларига инсониятнинг оқилона тузумини ташкил этишга кўмаклашишга қодир бўлган файласуф олимларнинг фикр ва мулоҳазаларига бепарво қарамасликни маслаҳат берган. Айниқса, ҳокимият тепасида турган шахслар буни ҳамиша ёдда тутишлари **лозим, бинобарин,**

Кант қайд этиб ўтганидек, “хокимиятга эга бўлиш муқаррар тарзда эркин фикрлашга йўл қўймади”¹.

Шундай қилиб, И.Кант “Абадий тинчлик сари” асарида, энг аввало, келгуси тинчлик даврида инсоният бирлашувининг сиёсий-ҳуқуқий жихатлари ва шакллари ҳақида ёзган. У абадий тинчлик учун барча шарт-шароитлар етиладиган ва инсоният ўзининг планетар тараққиётидаги янги даврга кадам қўядиган вақтни олдиндан аниқ айтиб беришнинг имкони йўқлигини қайд этиш билан бирга, умуминсоний онг одамларни айнан шу йўналишда бошлаб боради ва ушбу ҳақиқий ва қонунга мувофиқ тараққиёт босқичи секин-аста яқинлашиб келади, деб қатъий ишонган.

И.Кант абадий тинчликни олий сиёсий бахт-саодат деб билган, унга инсоният ўз эволюцион тараққиётида тадрижий, эволюцион ислоҳотлар йўли билан мунтазам равишда яқинлашиб боради². Умумий ва доимий тинчлик ўрнатишни ақл-идрок нуқтаи назаридан ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотнинг шунчаки бир қисми эмас, балки пировард мақсади, деб ҳисоблаган³. “Агар ушбу мақсаднинг тўлиқ рўёбга чиқиши ҳамиша эзгу истак бўлиб қолаверганда ҳам, - деб ёзган И.Кант абадий тинчликка эришиш ҳақида, - биз барибир, бу йўналишда хормай-толмай ҳаракат қилиш қондасини қабул қилиб, шубҳасиз, алданмаймиз, чунки бу қоида - бизнинг бурчимиздир...”⁴.

XXI асрдан туриб, XVIII асрга қайта назар ташлар эканмиз, И.Кант фикрларининг кўпчилиги доҳиёна зийраклик билан айтилганини эътироф этмай бўлмайди. Уч мингинчи йилнинг бошланишида шуни ишонч билан айтиш мумкинки, И.Кантнинг халқаро ҳуқуқ ва абадий тинчлик тўғрисидаги таълимоти башариятнинг қолган бошқа улуғ мутафаккирларига мансуб доктриналар билан бир қаторда ҳуқуқий давлатларнинг жаҳон фуқаролик ҳамжамияти шаклланишининг фалсафий-ҳуқуқий асосларини олдиндан билиб, яратиб берган.

¹ Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 6. - М. 1966. Стр. 289.

² Ўша жойда 288 - бет.

³ Ўша жойда 282 - бет.

⁴ Ўша жойда 286 - бет.

ХУЛОСА

Собиқ шўролар даврида фалсафа фанига синфий нуқтаи-назардан ёндашилиб, унда асосан икки йирик оқим-материализм ва идеализмга катта урғу берилар эди. Онгнинг материяга, рухнинг табиатга бўлган муносабати масаласи фалсафанинг бош масаласи деб қаралиб, нимаики идеалистик нуқтаи-назардан талқин этилган бўлса, албатта рад этилар, буржуа фалсафаси деб танқид остига олинар эди. Табиат, жамият ва одам ҳақидаги инсоният тафаккурининг буюк дурдоналаридан мосуволик ёки уларни менсимаслик XX асрнинг иккинчи ярмига келиб миллий фалсафий тафаккурнинг саёзлашувида, чекланганлигида, бу масалаларга бир ёқлама ёндошувда яққол сезила бошланди.

Жонажон Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг жаҳон фалсафаси билан яқиндан танишишга катта имкониятлар яратилди. Маълумки, фалсафа инсоният маънавий хазинасининг энг буюк дурдоналаридан бири сифатида умумметодологик характерга эга бўлган табиат, жамият, одам ва олам ҳақидаги энг қадимий фанлардан биридир. Шу билан бирга у миллий истиқлол ғоялари шаклланишининг ўзига хос илдизларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки фалсафий тафаккур шакллангандан бошлаб то ҳозирги кунгача мавжуд бўлган барча фалсафий мактаблар, йўналишлар ва таълимотлар нафақат миллий истиқлол мафкурасининг, балки ҳар қадай мафкура шаклланиши ва ривожланиши учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Шу маънода ҳозирги вақтда жаҳон фалсафий тафаккури, унинг ажралмас қисмларидан бири бўлган Ғарбий Европа фалсафасини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Немис классик фалсафасини эса маълум маънода Европа фалсафий тафаккурининг юраги десак муболаға бўлмас. Чунки бу фалсафа дунёга Кант, Гегель, Фихте, Шеллинг ва Фейрбах каби буюк сиймоларни етиштириб берди.

Немис классик фалсафасининг йирик намоёндаларидан бири бўлган И.Кантнинг ҳаёти ва ижоди шу пайтгача мутахассислар томонидан ҳар томонлама атрофлича ўрганилган ва тадқиқ қилинган. Буюк мутафаккирнинг илмий меросини ўрганишга бағишлаб ҳар беш йилда дунё миқёсида файласуфларнинг конгресси ва халқаро конференцияларнинг ўтказилиши ҳам фикримизнинг далилидир. Масалан, ЮНЕСКО ҳомийлигида 2004 йил И.Кант вафотига 200 йил, таваллуд топганига 280 йил тўлиши муносабати билан юбилей тадбирлари ўтказилди¹. Унинг 29 жилддан иборат асарлари тўплами нашр этилган. И.Кантнинг фалсафий қарашлари табиий равишда ўзидан кейинги даврлар файласуфларига ва фалсафий мактаблари ривожланишига катта таъсир кўрсатган ва улар томонидан турлича шарҳланган. Бу фалсафий меросга муносабат масаласида ўз ифодасини топган бўлиб, неоклассик фалсафий мактаблардан бири бўлган неокантиан фалсафасининг вужудга келишига ва унинг замирида кантшуносликнинг 12 та турли хил мактабларининг шаклланишига сабаб бўлган². Юқоридаги фикрлардан кўришиб турибдики, Кантнинг илмий-фалсафий меросини ўрганиш, уни тадқиқ ва таҳлил этиш ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Шу маънода биз ушбу БМИ мизда И.Кант ижодида тинчлик ғоясининг илгари сурилиши, унинг ўзига хос жиҳатлари, файласуф ижодида ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ маласалари ҳақида қисқача фикр юритдик. Қолаверса, тинчлик бу ер юзидаги барча миллатлар ва халқлар учун, таъбир жоиз бўлса ҳар бир инсон учун буюк неъматдир. Мамлакатнинг ҳар томонлама равнақ топиши, тараққий этиши ва жамиятда инсон ўз қобилиятларини тўла-тўқис намоён этиб, бахт-саодатли фаровон турмуш кечириши учун тинчликнинг таъминланиши шарт ва зарурдир. Шу жумладан ҳуқуқ ҳам жамият учун ҳаво билан сувдек зарур бўлиб, унинг ривожини ҳуқуқсиз тасаввур қилиш қийин. Айнан шунинг учун ҳам биз юқорида фикр юритганимиз И.Кант илгари

¹ Материалы конференции «Кант и современная философия». 2005.

² Ахмедова М.А. и Хан В.С. 1998. Стр. 295.

сурган кўплаб ғоялар ичида абадий тинчлик ғояси ҳам нафақат ўша давр, балки барча даврлар учун ҳам ўзининг долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради.

Маълумки жамият тарихи бу ғоялар ва мафкуралар тарихидир. Шу билан бирга уни маълум маънода урушлар тарихи десак ҳам муболаға бўлмайди. Ўтмишда яшаб ижод қилган баъзи мутафаккирлар урушларни зарурий, муқаррар ва хатто инсоният тараққиёти учун фойдали деб қараган бўлсалар (Н.Макиавелли, Ф.Венон, Т.Гоббс, Д.Ж.Прудон, Ф.Ницше ва бошқалар), баъзилари урушларни давлатлар ва халқлар тараққиёти учун тўсиқ бўлувчи, улар бошига катта кулфатлар келтирувчи, уларнинг тараққиёти учун рахна солувчи ижтимоий ҳодиса сифатида каттик қоралаганлар (Э.Роттердамский, Ж.Ж.Руссо, М.Ломоносов, И.Кант ва бошқалар)¹. Инсоният тарихида кўплаб файласуфлар давлатлар ва халқлар ўртасида тинчликни таъминлашнинг турли хил йўл-йўриқларини ва концепсияларини яратишга уринганлар. Жумладан, давлатлар ва халқлар ўртасида абадий тинчликни таъминлаш ғояси И.Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий қарашларида ҳам ўз ифодасини топган. Улуғ мутафаккир ижодида абадий тинчлик ғоясини қисқача таҳлил қилиш, унинг мазмун-моҳиятини очиқ бериш ва кейинги даврлар, айниқса глобаллашув жараёнлари кечаётган ҳозирги дунё учун аҳамиятини кўрсатиб бериш ушбу тадқиқотимизнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Немис классик фалсафасининг асосчиларидан бири И.Кантнинг абадий тинчлик ғоясини таҳлил этиш, унинг жаҳон фалсафаси ривожланишидаги тутган ўрни ва ролини ўрганиш тадқиқот объекти сифатида олинди. Тадқиқотни ўтказишда муаммога оид бирламчи манбалар ва услубий адабиётларни таҳлил этиш, тўпланган маълумотларни умумлаштириш, таққослаш ва солиштириш, илмий ва тарихий холислик (объективлик), анализ ва синтез, индуктив ва дедуктив фалсафий умумлаштириш, тизимли,

¹ Ахмедова М.А. и Хан В.С. 1998. Стр. 298.

муаммоли ёндашиш каби методлар ва усуллардан фойдаланилди.

Умуман олганда И.Кантни немис мумтоз фалсафасининг асосчиси сифатида тан олиниши бежиз эмас, чунки у ўз ижодида онтология, эпистемология, аксиология ва ҳ.к. азалий фалсафий муаммоларнинг янги давр Европа фалсафасида қўйилиши ва ечилишини янги шароитларда ўзига хос тарзда асослаб берди. Шу билан бирга улўф мутафаккирнинг юқоридаги каби азалий фалсафий муаммоларга муносабати қатор ўзига хос жиҳатлари билан барча даврлар файласуфларининг ушбу йўналишдаги таълимот ва қарашларидан алоҳида ажралиб туради. Озодлик ва эркинлик, ўзаро ҳамжиҳатликда тинч-тотув яшаш, юксак маънавият, маданият ва инсонпарварлик, ахлоқ ва демократия, жаҳон ҳамжамиятининг глобаллашуви, ҳуқуқий давлат, абадий тинчликка интилиш-буларнинг барчаси И.Кант ижодида марказий ўринни эгаллайди ва кейинги даврлар файласуфлари ижодига, айниқса глобаллашув жараёнлари кечаётган бугунги кун жаҳон сиёсий тафаккурига жуда катта таъсир кўрсатди ва муҳим аҳамият касб этмоқда.

Умуман, ҳулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсоният ўз тараққиётида учинчи минг йилликка, XXI асрга илдам қадамлар билан кириб келди. Бу аср интеллектуал аср, юксак маданият, ҳамда ривожланган техника ва технологиялар асри. Шу билан бирга бу аср экологик, хом-ашё, энергетик, озиқ-овқат, демографик ва шу каби муаммолар асри. Таъбир жоиз бўлса, XXI асрни ядровий уруш хавфи, зиддиятларга тўла глобаллашув жараёнлари, маънавий тушкунлик, ахлоқий инқирозлар каби ўта хавфли муаммолар кенг қулоч ёйган, планетар аҳамият касб этаётган аср дейишимиз ҳам мумкин. Мана шундай зиддиятларга тўла даврда инсониятнинг кейинги бир неча асрлик келажагига ўзига хос тарзда “ташхис” қўйиб кетган, табиат, жамият ва инсон ҳақида долзарб ғояларни илгари сурган улўф мутафаккир Кантнинг фалсафий қарашлари жуда катта аҳамият касб этади. Кантнинг бу ғоялари кейинги даврларда жаҳон миқёсида фаол иш юритувчи халқаро ташкилотларнинг (БМТ, ЮНЕСКО ва ҳ.к.) шаклланиши ва ривожланишига

катта таъсир кўрсатди.

Шунинг учун ҳам Кантнинг фалсафанинг марказий муаммолари бўлган онтология, гносеология, аксиология, ахлоқ, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларга оид таълимоти инсоният ўз маънавий тараққиётида эришган энг буюк тафаккур дурдоналаридан бири сифатида эътироф этилади ва юқори баҳоланади.

Қолаверса, бугунги ёшлар ватанимиз келажаги ва ҳозирги авлод амалга ошираётган эзгу ишларнинг давомчиларидир. Шу маънода бизнинг фикримизча, глобаллашув жараёнлари кечаётган, юксак техника ва технологиялар асри бўлган бугунги дунёда уларга жаҳон фалсафаси тарихини, жумладан унинг бир қисми бўлган немис классик фалсафаси намоёндаларининг фалсафий таълимотларини чуқур ўқитиш уларда фалсафий тафаккурнинг кенгайишига, ота-боболаримиздан қолган буюк миллий фалсафий меросни янада кенгроқ ва теранроқ англаб етишларига ёрдам беради. Бу эса муҳтарам Президентимиз олимларимиз олдида қўйган ўзбек миллий фалсафасини яратишдек юксак васифани амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. “Миллий истиқлол мафқураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир”. - Т.: “Ўзбекистон”, 2000. 27 - 28 бетлар.
2. Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ, 1998.
3. Каримов И. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008.
5. Каримов И. Ўзбекистон мустақиллик остонасида. - Т.: Ўзбекистон, 2011.
6. Гулыга А. Кант И. - М. 1983. Стр. 47.
7. Ключова М. Иммануил Кант: проблема обоснования морали. - Тула. 2011. Стр. 95.
8. Керимов Г.М. Аль - Газали и суфизм. Баку, 1969. С. 71-100.
9. Наполеон, Толстой и Кант об исламе. 27 февраля 2010 г. II [http://www.liveinternet.ru/ tags](http://www.liveinternet.ru/tags).
10. Гулыга А. Кант И. - М. 1983. Стр. 49.
11. Кант И. Всеподданнейшее прошение философа Канта императрице Елизавете Петровне / Сообщ. Ю.Бартенев // Русский архив. 1896. Кн. 2. Вып. 7. Стр. 455-456.
12. Таранов П.С. Философский биографический словарь, иллюстрированный мыслями. - М. 2004. Стр. 282-283.
13. Ойзерман Т.И. Этико-теология Канта и ее современное значение // Вопросы философии. 1997. № 3. Стр. 106.
14. Болтаев М.Н. Кант ва трансцендентал фалсафанинг асосланиши. - Бухоро. “Бухоро” нашриёти, 2006. 18-32-бетлар.
15. Нерсисянц В.С. Ҳуқуқ фалсафаси. - Т. 2003. 82-87 бетлар.
16. Политико - правовые ценности: история и современность. / Под ред. В.С.Нерсисянца. - М. 2000. Стр. 5-6.
17. Мамут Л.С. Государство в ценностном измерении. - М. 1998. Стр. 48.

18. Политико-правовые ценности: история и современность. / Под ред. В.С. Нерсесянца. - М. 2000. Стр. 6.
19. Туманов В.А. Буржуазная правовая идеология. К критике учений о праве. - М. 1971. С. 350.
20. Нерсесянц В.С. История идей правовой государственности. - М. 1993. Стр. 12.
21. Маркс К., Энгельс Ф. Соч., 2-е изд. Т. 1. С. 88.
22. Таукелев А. Сапергалиев ПС. Государственно-правовые взгляды аль-Фараби. Алма-ата, 1975. Стр. 54-55.
23. Андреева И. Вековая мечта человечества // Трактаты о вечном мире. - М. 1963. Стр. 13-38.
24. Руссо Ж.Ж. Суждение о вечном мире // Трактаты о вечном мире / Сост. И.С. Андреева, А.В. Гулыга. - М. 1963.
25. Андреева И.С. Проблема мира в западноевропейской философии. - М. 1975. Стр. 237- 238.
26. Фельдман Д.И., Баскин Ю.А. Учение Канта и Гегеля о международном праве и современность. Казань, 1977. Стр. 24.
27. Баскин Ю.Я. Кант. - М. 1984. Стр. 53-54.
28. Ударцев С.Ф. Политические и правовые идеи Иммануила Канта. Алматы, 2004. Стр. 29-40.
29. Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 6. - М. 1966. Стр. 289.
30. Материалы конференции «Кант и современная философия». 2005.
31. Ахмедова М.А. и Хан В.С. 1998. Стр. 295.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
I БОБ. ИММАНУИЛ КАНТНИНГ ҲУҚУҚ ВА ДАВЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ТАЪЛИМОТИ	9
1.01. И.Кантнинг ҳаёти ва ижоди.....	9
1.02. И.Кантнинг ҳуқуқ фалсафаси.....	18
1.03. И.Кант ижодида давлат ва юридик аксиология масалалари.....	31
II БОБ. И.КАНТНИНГ ТИНЧЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ФАЛСАФИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТИ	41
2.01. И.Кантнинг халқаро ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлари.....	41
2.02. И.Кантнинг абадий тинчлик тўғрисидаги ғоялари.....	50
ХУЛОСА	59
ИЛОВАЛАР	64
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	89